

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FIL.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАСИРОВ АЗИМИДИН НОРМАМАТОВИЧ

ОДИЛ ЁҚУБОВ РОМАНЛАРИ ПОЭТИКАСИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of the doctoral (DSc) dissertation

Насиров Азимидин Нормаматович Одил Ёкубов романлари поэтикаси	5
Насиров Азимидин Нормаматович Поэтика романов Адила Якубова	33
Nasirov Azmidin Normamatovich Poetics of Odil Yakubov's novels	63
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	67

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FIL.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАСИРОВ АЗИМИДИН НОРМАМАТОВИЧ

ОДИЛ ЁҚУБОВ РОМАНЛАРИ ПОЭТИКАСИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc / Fil105 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.samdu.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz.) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Умуров Ҳотам Икромович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тўраев Дамин
филология фанлари доктори, профессор

Каримов Наим Фотихович
ЎзФАнинг ҳақиқий аъзоси, филология фанлари доктори, профессор.

Каримов Баҳодир Нурметович
филология фанлари доктори, профессор

Ётақчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz). Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона.

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366)239-11-40, 239-18-92; факс: (8366)239-11-40.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Муҳиддинов М.Қ.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Пардаев А.Б.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Салоҳий Д.И.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш хузуридаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XX-XXI аср жаҳон адабиётшунослигида поэтика, хусусан, роман поэтикаси тушунчасини янгича ёндашувлар асосида тадқиқ этиш, алоҳида ёзувчининг ҳар бир романи поэтик ўзига хослиги ва бадиий ижодининг ички тадрижини унинг ҳаёт ҳақиқатини бадиий композицияга айлантириш маҳорати нуқтаи назаридан хусусий ва тарихий поэтика йўсинида яхлит адабий жараён контекстида ўрганиш ҳамиша муҳим ва долзарб саналиб келган. Шу маънода, роман поэтикаси муаммолари негизида ўзбек романчилиги ривожини ва поэтик арсенали бойишига сезиларли улуш қўшган ижодкор – Одил Ёқубовнинг жанр поэтик структурасини ва семантикасини янгилашдаги индивидуаллигини тизимли асосда тадқиқ этиш ва муайян назарий умумлашмалар чиқариш диссертацион тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Жаҳон адабиётшунослигида кенг қўлланилиб келинаётган тарихий-маданий, тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик ва аналитик методлар асосида XX асрда шаклланиб, камолга етган, дунё адабиётининг энг илғор романчилик анъаналарини маълум даражада ижодий ўзлаштирган ўзбек романчилиги тараққий этиб келмоқда. Дунё романчилигида реал воқеликни поэтик композицияга айлантириш, сюжет ва композицион яхлитлик, романий тафаккур ва услубий ўзига хослик, баёнчи «мен» образини, адибнинг инсон, жамият ва борлиқ билан диалогик муносабатга киришуви сингари муаммоларни комплекс тадқиқ этиш ҳамда умуминсоний ғоялар бадиий талқинини юзасидан назарий умумлашмалар чиқариш йўсинидаги интилишлар нисбатан кучайгани мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Мустақиллик йиллари ўзбек адабиётшунослигида роман поэтикасини муаммосининг илмий-амалий жиҳатларини тўғри белгилашда адабий-назарий таҳлилларнинг жаҳон тажрибасида синалган илғор услларини қўллаш орқали давр ва ижодкор услуби, жанр тақомилини аниқлаш, XX аср романчилиги поэтик изланишлари табиатида юзага келган ўзгаришларнинг ўша замон адабий сиёсати ва ижодкор сажиясига боғлиқ жиҳатларини таҳлил ва тадқиқ этишга эътибор ортди. Халқимиз маънавий-маърифий ҳаётида бадиий адабиётнинг роли тобора ошиб, адабиёт ва маърифат масалалари давлат сиёсати даражасида эъзоз топди. Дарҳақиқат, «...адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ»¹лиги адабиётшунослик фани олдида Одил Ёқубов каби кўпқиррали ижодкорлар адабий меросини кенг қамровда ўрганиш, уларда бадиий ифодасини топган миллат маданияти, азалий қадриятларнинг поэтик талқинини бўйича муҳим хулосалар чиқариш вазифасини ҳам қўймоқда. Зотан, «адиб асарлари аввало ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги, даврнинг ўткир ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий масалаларини дадил ўртага қўйганлиги, инсон ва унинг қалби

¹Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” / Халқ сўзи, 2017 йил, 4 август.

хақидаги ҳақиқатнинг янги қирраларини очишга қаратилгани, кескин драматизми, теран гуманизми, инсон ҳаёти хусусидаги эҳтиросли баҳс-мунозаралари билан ажралиб туради. Ёзувчи ўзбек романи поэтикасига кўпгина янгиликлар олиб кирди, полифоник роман намуналарини яратди»¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². XX аср ўзбек романчилиги ҳамда ўзбек романларининг поэтикаси масалалари бўйича дунёнинг турли мамлакатларидаги илмий марказларда, жумладан, Колумбия университетида (Columbia University, АҚШ) проф. Эдвард Оллворт XX-асрда ўзбек адабиётидаги эврилишларни А.Фитрат, А.Қодирий, С.Айний, А.Чўлпон, Ҳ.Ҳ.Ниёзий, О.Ёқубов, П.Қодиров каби адиблар романларининг кўп асрлик ўзбек эпик адабиётининг давоми сифатида баҳолаган, улардаги бадиият ва поэтиканинг илдизлари мумтоз адабиётга бориб тақалиши юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борган. Темур Кожаяўғлининг 1982 йилда Колумбия университетида ёқланган «Сталиндан кейинги даврда Ўрта Осиё насрида миллий ўзликни англаш жараёнининг ифодаланиши» мавзусидаги докторлик диссертациясида қозоқ, қирғиз адабиётлари қаторида ўзбек адабиётида яратилган тарихий романларда, жумладан, Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романидаги миллий

¹Норматов У. Ижод сеҳри. - Тошкент: Шарқ, 2006. – Б. 20.

²www.tdk.gov; www.shosh.uz; www.orient.spbu.ru; www.ceu.edu; www.u-szeged.hu; www.utexas.edu, www.berkeley.edu, www.northwestern.edu, www.bu.edu, www.ecu.edu.au, unice.fr/en, www.u-bordeaux.com, www.lang.ox.ac.uk, english.pku.edu.cn, www.sophia.ac.jp/eng, www.u-tokyo.ac.jp, bsu.edu.az, www.msu.ru, www.bashedu.ru, www.kaznu.kz, www.navoiy-uni.uz.

уйғониш мотивлари ўрганилган. Диссертация муаллифи бу жараёни тадқиқ этар экан, романлар бадиияти ва поэтикаси масалаларига эътибор қаратган. Ака-ука Гумбольдтлар номидаги Берлин университетида (Berlin Humboldt Universität, Германия) проф. Ингеборг Балдауф «Анъана, инқилоб, мослашув. Марказий Осиё маданиятини шўролаштириш» номли мақоласида ўзбек адабиётида XX аср бошида юз берган ўзгаришларни тадқиқ қила туриб, ўзбек романчилигининг туғилиши ҳамда шўро режимига бўйсунмаган адибларнинг фожиали қисмати хусусида мулоҳаза юритар экан, А.Қодирий, Чўлпон, С.Айний, Ойбек, П.Қодиров, О.Ёқубов каби романнавислар бадиий маҳорати ва уларнинг асарларидаги ҳаёт воқелигининг бадиий талқинига муносабат масаласини ҳам очиб берган;

Туркия Республикаси университетлари ва илмий марказларида 1930-йиллардан буён ўзбек адабиёти, айниқса, ўзбек тарихий романчилиги хусусида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу тадқиқотларнинг дастлабкилари илк шўро сиёсати қатағонидан асраниш учун чет элларга бош олиб кетишга мажбур бўлган юртдошларимиз томонидан ёзилган. Кейинчалик турк олимлари ҳам ўзбек тарихий романлари муаллифларига, жумладан, А.Қодирий ва Чўлпон қаторида Одил Ёқубов ижодига ҳам катта қизиқиш билан қарай бошладилар. Жумладан, Отатурк Университети (Atatürk Üniversitesi) профессори Орхан Сўйлемез «Туркия туркчасига таржима қилинган ўзбек тарихий романлари» мақоласида Садриддин Айнийдан Пиримқул Қодировгача бўлган романнавислар ижодига муносабат билдиради. Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», «Кўҳна дунё», «Адолат манзили» романларига махсус тўхталган мунаққид, бу романларнинг ўзбек романчилиги тараққиётида алоҳида ўрни мавжудлигига урғу беради. Селжук (Selçuk Üniversitesi) университети тадқиқотчиси Азиз Мерхан «Абдулла Қодирий ва ўзбек романининг туғилиши» мақоласида ўзбек романчилиги вужудга келиши ва тараққиётининг асосий босқичларини ойдинлаштиради;

Россия Федерациясининг Санкт-Петербург ва Москва университетлари туркология кафедраларида анъанавий равишда ўзбек адабиёти ўрганилиб ва ўқитиб келинади. Жумладан, Санкт-Петербург университетининг «Туркий филология» ҳамда «Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлари» кафедраларида ўзбек адабиёти тарихи ва ҳозирги адабий жараён билан боғлиқ тадқиқотларда ўзбек тарихий романлари ҳам тадқиқ этилаётгани қайд этилган. Бундан ташқари ўзбек романчилиги масалалари бўйича Венгрия Республикасининг Марказий Европа университетида (Central European University) Георг Хазаи, Сегед университетида (University of Szeged) Андраш Рона каби олимлар тадқиқотлар олиб борган. Бинобарин, амалга оширилган тадқиқотлар ўзбек романчилиги, хусусан Одил Ёқубов романлари поэтикасини комплекс тадқиқ этишда муайян назарий асос вазифасини ўтайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон ва ўзбек адабиёт-шунослигида бадиий образ шакли ва моҳияти, услуб, жанр, метод сингари назарий тушунчалар муайян даражада ўрганилган¹. Поэтика муаммоси

¹Аристотель. Поэтика. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б. 151; Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: Наука, 1973.–С.207; его же: Эстетика словесного творчества.–М.: Наука, 1979.–С.422;

адабиётшуносликнинг доимий диққат марказида бўлиб келган. Шунга қарамасдан, назарий адабиётларда атаманинг ўзига хослиги, унинг мазмун-моҳиятини англаш борасида турфалик кузатилади. Поэтика истилоҳининг моҳияти ва унинг назарий-методологик хусусиятлари таҳлили жараёнида турли концепциялар юзага келган. Жумладан, «поэтологик санъат» (Ф.Прокопович), «формал поэтика асослари» (Р.Якобсон), «синхрон поэтика» (М.М.Бахтин), «эстетик илғам поэтикаси» (А.А.Потебня), «услугият поэтикаси» (М.Б.Храпченко), «лексикон поэтикаси» (В.П.Григорьев), «генератив поэтика» (Т.Ван-Дейк), «мантиқий поэтика» (Г.О.Винокур), «психологик поэтика» (А.Н.Леонтьев), «социолингвистик поэтика» (А.Д.Швейцер), «ижодий талқин поэтикаси» (А.Зись), «поэтик нутқ назарияси» (В.В.Виноградов), «семантик поэтика» (М.Поляков) сингари қарашлар атамани янада теран тасаввур қилишга ёрдам беради.

Таъкидлаш жоизки, поэтика истилоҳи, аслида, жанр бадиий тадрижини уюштириб, тартибга солиб турадиган тушунчадир. Ушбу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, тадқиқотда поэтика масаласи икки муҳим хусусият – роман назарияси борасида тўпланган иждодий тажрибалар ва уларнинг таркибий қисми сифатида Одил Ёқубов романчилик маҳорати негизида текшириш лозим топилди.

Ўзбек адабиётшунослигида ёзувчи иждодий поэтикасининг муҳим қирралари маълум даражада ёритилган¹. Жумладан, адибнинг портрет

Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – Л.: Наука, 1940. – С. 487; Виноградов В.В. Поэтика русской литературы. – М.: Наука, 1976. – С. 484; Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Л.: Наука, 1977. – С. 404; Зись А. Искусство и эстетика. – М.: Наука, 1967. – С. 214; Лукич Д. Теория романа. – Варшава, 1963; Ковалев А.Г. Психология литературного творчества. – Л.: ЛГУ, 1960; Мейлах М.Б. Талант писателя и процесс творчества. – Л., 1969; Тимофеев Л. Основы теории литературы. – М.: Просвещение, 1966. – С. 478; Поляков М.Я. Вопросы поэтики и художественной семантики. – М.: Сов.писатель, 1986. – С. 480; Пospelов Г. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 1978. – С. 351; Потебня А.А. Эстетика и поэтика. – М.: Сов.писатель, 1976. – С. 396; Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика. – М-Л.: Наука, 1930. – С. 225; Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – М.: Наука, 1970. – С. 266; Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – Б. 408; Назаров Б. Бу сеҳрли дунё. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б. 176; Қўшжонов М. Ўзбек романчилигининг ривожланиш босқичлари ва жанр хусусиятлари / Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 299-382; Каримов Н. Ойбек. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985; Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Тошкент: Маънавият, 2000; Умунов Х. Бадиий иждод асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001; Тўраев Д. Ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси. – Тошкент: Университет, 2001; Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент, 2004; Солижонов Й. Нутқ ва услуб. – Тошкент: Чўлпон, 2002; Болтабоев Х. Наср ва услуб. – Тошкент: Фан, 1992; Қурононов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: Шарқ, 2004; Карим(ов) Б. Қодирий ва герменевтик тафаккур. – Тошкент: Akademnashr, 2015; Жўраев Т. Онг оқими ва тасвирийлик. – Тошкент: Фан, 1994 ва б.

¹Каттабеков А. Художественное воплощение личности исторической эпохи в современной узбекской прозе: Автореф. дисс. ... д-ра филол.наук. – Тошкент: 1985; Раҳимов А. Ўзбек романи поэтикаси: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент: 1993; Мирқасимова М. Жанрово-стилевые особенности узбекского романа 70-80-х годов (Романы А.Якубова и П.Кадырова). Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. 1988 – Ташкент: 1986; Самандаров И. Историзм узбекских исторических романов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент: 1992; Эргашев А.С. Ривоят ва унинг бадиий асар сюжет-композицион тузилишидаги ўрни (А.Мухторнинг “Чинор” ва О.Ёқубовнинг “Кўҳна дунё” романлари асосида): Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент: 1993; Каримов Х. Ҳозирги ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси (70-80-йиллар): Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент: 1994; Тўраев Д. Ҳозирги ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси (60-80-йиллар): Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент: 1994; Искандарова О.Р. “Диёнат” ва “Қиёмат” романларида инсоний муносабатларнинг бадиий тасвири: Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент: 1995; Қурбонов Т.Ж. Одил Ёқубовнинг портрет яратиш маҳорати: Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент: 1997; Раҳимов З.А. Одил Ёқубовнинг “Кўҳна дунё” романи поэтикаси: Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент:

яратиш маҳорати, ривоятларнинг роман микроструктурасида бадиий-функционал ўзига хослиги, бадиий талқинда психологизм ифодаси, руҳият тасвирини таҳлил этиш тамойиллари, усуллари, ёзувчи ижодий манераси, бадиий нутқ ва романий тафаккур уйғунлиги, ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси тажассуми, айрим романларида сюжет ва конфликт поэтикасининг ўзига хослиги қисман тадқиқ этилган. Бироқ, илмий изланишлар шуни тасдиқлайдики, Одил Ёқубов романлари поэтикаси ҳанузгача давр руҳияти, эстетик талқин, тарихий колорит ва услубий манера бутунлигида яхлит тарзда ўрганилмаган.

Юқорида қайд этилган фикр-қарашлардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотда адиб романлари поэтикасини яхлит тизимда ўрганишга жазм қилинди. Бу хусусият диссертацион ишнинг илмий янгилигини ташкил этади. Биринчидан, поэтика, хусусан, роман поэтикаси, назарияси ҳали ўзбек адабиётшунослигида тўла тадқиқ этилмаган, иккинчидан, поэтик мезонлар янгиланишининг ижодкор фитрати билан уйғунлиги Одил Ёқубов романлари асосида махсус текширилмаган. Учинчидан, адабий тизимда ижодий яхлитлик ва жанр поэтикаси бир-бирига боғлиқ тарзда тараққий топиши муаммоси ҳам етарлича ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Самарқанд давлат университетининг «Ўзбек адабиётида адабий тур, жанрлар тараққиёти ва услуб ранг-баранглиги» мавзусидаги истиқболли илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади роман поэтикаси негизида алоҳида ижодкор – Одил Ёқубовнинг жанр поэтик структурасини янгилашдаги ўзига хослигини тизимли асосда, адабий жараён контекстида тадқиқ этиш натижасида назарий умумлашмалар чиқаришдир.

Тадқиқотнинг вазифалари: поэтик фикрни шакллантириш ва ижодий ният реаллашувида ғоявий-бадиий уйғунликка эришиш муҳимлиги масаласига аниқлик киритиш, поэтика истилоҳига берилган замонавий таърифларни тўлдириш;

Одил Ёқубов ижодида инсон руҳияти тасвири ҳамда ифода самимияти яхлитлигига эришиш маҳоратини ёритиш, ижодкорнинг ижтимоий воқелик, ижодий тахайюл ва бадиий фантазияни уйғунлаштиришдаги эстетик принципларини аниқлаш билан боғлиқ ўзига хосликларни тадқиқ этиш;

алоҳида ижодкорнинг роман жанридаги бадиий-услубий изланишларини яхлит илмий-эстетик таҳлилга тортиш, асар таркибий унсурлари ифода поэтикасини белгилаб беришини асослаш, фалсафий-бадиий талқиннинг ижодий ғояни ифодалашдаги салмоғини кузатиш;

2000; Исаева Ш.Б. Ўзбек тарихий романларида характер руҳиятини тасвирлаш усуллари: Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент: 2001; Солижонов Й. XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент: 2002; Пардаева З. Ҳозирги ўзбек романчилигининг тараққиёт тамойиллари: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент: 2003; Камилова С.Э. Нравственно-психологические искания в художественной литературе 70-90-х годов XX века (на материале произведений В.Распутина и А.Якубова): Филол. фан. ном. ... дисс. – Ташкент: 2008.

Одил Ёқубов романларидаги бадиий тенденцияларнинг ижодий ўзига хослигини назарий жиҳатдан далиллаш; бадиий хронотопнинг ифода индивидуаллиги ижтимоий давр руҳи ва воқелик моҳиятини очиш воситаси эканлигини кўрсатиш.

Тадқиқот объекти: О.Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» (1970-1973), «Диёнат» (1973), «Кўҳна дунё» (1983), «Оққушлар, оппоқ қушлар» (1988), «Адолат манзили» (1994) ва «Осий банда» (2008) романлари тадқиқот объекти вазифасини бажарди.

Тадқиқот предмети: Одил Ёқубов романлари поэтикаси ва адиб бадиий ифода йўсини ўзига хослиги ҳамда бадиий-эстетик тамойиллар уйғунлигини махсус тадқиқ этиш диссертацион ишнинг предметини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, маданий-тарихий, қиёсий-типологик, биографик, психологик, психоаналитик, структурал таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

поэтика тушунчаси англатадиган мазмун-моҳият мавжуд назарий қарашларни умумлаштирган ҳолда яхлит адабий жараён контекстида очиб берилган;

Одил Ёқубов романлари поэтикаси бадиий матни семантик-структур катламлари моҳияти хусусий, назарий ва тарихий поэтика йўсинида яхлит тизим сифатида умумлаштирилган ва илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

романлардаги фалсафий фикр ифодасида поэтик нутқ, бадиий мушоҳада ўзига хос жанрий хусусиятлари шаклий ихчамлик, фалсафий мушоҳаданинг теранлиги, мантиқий изчиллик, бадиий функционаллик аниқланган;

адиб тарихий романлари қиёсий-типологик таҳлили асосида асар воқеаларининг ҳаётий асослари ва поэтик ифодага кўчиш жараёнларининг муштараклиги асослаб берилган;

индивидуал ижодкор поэтик маҳоратининг ички ривожини ва тадрижи соф эстетик қонуниятлар негизида ва жаҳон адабиётшунослигининг устувор концепцияларига мувофиқ ўрганилиб, миллий романий тафаккур тараққиётидаги ижтимоий-психологик омилларнинг яхлит тизим эканлиги исботланган;

адиб романлари асосида сюжет ва композицион яхлитлик, бадиий концептуаллик, характер ва руҳият ифодасининг хронотоп поэтикаси билан узвий боғлиқлиги очиб берилган.

Диссертациянинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

XX-XXI аср ўзбек романчилигининг бадиий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик омилларини таҳлил ва тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар адабиётшунослик учун янги илмий-назарий тушунчалар бериши, XX аср ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси, роман назарияси каби фанлардан яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалари мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

XX аср романчилиги мустақиллик даври ўқувчисининг дунёқараши, бадиий дидини шакллантириш ва янада юксалтириш, жамиятнинг ахлоқий-

эстетик ва маънавий-маърифий такомлида муҳим аҳамият касб этиши аниқланган;

Ҳар бир роман поэтикаси ўзига хос система эканлиги ва индивидуал ижодкор романларида узвий изчиллик, ички тадрижий тараққиёт мавжудлиги илмий-назарий жиҳатдан тавсифланган ва бадиий матн таҳлили асосида далилланган, поэтика – бу ижодий анъана ҳамда индивидуал услубий тадриж уйғунлигини таъминлайдиган категория эканлиги кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Одил Ёқубов романлари поэтикаси муаммоси тарихий ва назарий поэтика аспектларида ёритиб берилгани, бунда қиёсий-тарихий, маданий-тарихий, қиёсий-типологик, биографик, психологик, психоаналитик, структурал таҳлил усулларидан фойдаланилгани, ўзбекона ҳаёт тарзи ва миллий ментал тафаккур тарзининг бадиий композиция ифодасига кўчиши специфик жараён эканидан келиб чиқиб, назарий қарашлар шакллантирилгани, адабий қарашларни белгилаш ва услубий шаклий-услубий изланишларни баҳолаш ва тушунчаларни илмий тавсифлашда, поэтиканинг жаҳоний ҳамда шарқона асосларини ёритишда бевосита адиб эстетик концепциясига таянилгани, шу асосда илмий-назарий умумлашмалар чиқарилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларидан адабиёт назарияси, жаҳон адабиёти, хусусий, тарихий ва назарий поэтика, роман жанрининг назарий жиҳатлари, умуман эса эпик жанрлар типологиясига оид тадқиқотларда, жанр, композиция, сюжет, образ, мотив, романий тафаккур сингари соф бадиий муаммоларни ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, тадқиқот гуманитар йўналишдаги олий ўқув юртлари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари учун «Адабиёт қоидалари», «Адабиёт назарияси», «Бадиий асар поэтикаси», «Поэтика назарияси», «Тарихий ва назарий поэтика», «Ўзбек романчилиги», «Янги ўзбек адабиёти тарихи» фанлари ва ўқув курслари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий мажмуалар тайёрлашда, ихтисослик фанлари назарий базасини шакллантиришда амалий восита бўлиб хизмат қилади. Диссертацияда баён этилган илмий-назарий фикр ва умумлашма хулосалардан олий ўқув юртларининг филология факультети талабалари, ўрта махсус таълим тизими учун ихтисослик курслари ҳамда семинарларда, Одил Ёқубов ижодига бағишланган рисола, дарслик ва қўлланмалар тузишда, ёзувчи адабий портретини яратиш ҳамда тўлдиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Адабиёт назарияси, роман поэтикаси Одил Ёқубов ижодини жаҳон бадиий тафаккури контекстида типологик тадқиқ этиш, миллий адабиёт назариясининг тарихий-бадиий, илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш, илмий-амалий натижаларни белгилаш асосида:

роман поэтикаси, роман хронотопи, эпос, роман, қисса жанрлари типологиясига доир хулосалардан Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг ФА-Ф1 ГОО2 «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти

жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш» фундаментал лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 апрелдаги 89-03-1399-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида, ўзбек романчилигининг тарихий тараққиёти, бу жараёнда Одил Ёқубов ижоди ва романлари бадииятидаги халқ оғзаки ижоди анъаналарининг тасвири муаммолари очиб берилган;

ижодкор яратган бадиий асарларни қиёсий ўрганиш, асардан асарга услубий мукаммаллашиш жараёнларига эътибор қаратилган бўлиб, Ф1-ФА-0-55746 «Марказий Осиё халқлари адабий қўлёзма ёдгорликларини тадқиқ этиш. Ўзбекистон шоир ва ёзувчилари архивини тўплаш ва уларни илмий тавсифлаб нашрга тайёрлаш» фундаментал илмий тадқиқотини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 апрелдаги 89-03-1399-сон маълумотномаси). Олинган назарий ва амалий натижаларнинг қўлланилиши натижасида роман поэтикаси, жанр, композиция, образ хронотопага доир назарий хулосаларга эга бўлинган;

Одил Ёқубов ижодий меросининг Марказий Осиё халқлари адабиётига ва бадиий тафаккурига кўрсатган таъсири, унинг романларининг қиёсий ва илмий тасниф масалаларига оид назарий хулосалар Навоий давлат педагогика институтида бажарилган Ф1-Ф8-0-19919 «Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни» мавзусидаги фундаментал лойиҳада татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 апрелдаги 89-03-1399-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида бадиий тафаккурнинг шаклланишида адабий алоқаларнинг роли, романлардаги образлар силсиласи ва уларнинг семантик-структурал хоссалари белгиланган, адабий таъсир, анъанавийлик, новаторлик муаммоларига асосланган;

Одил Ёқубов романларининг эллиқдан ортиқ тилларга таржима этилиши, туркий халқлар адабиётида жанр тараққиётининг ифодаси жараёнидаги хулосалардан Озарбайжон Миллий Илмлар академияси Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институтининг «Озарбайжон-Туркманистон-Ўзбекистон адабий алоқалари» бўлимида адабий алоқалар, жанрий ўзгаришлар, хронотоп назарияси, романий тафаккур юзасидан чиқарилган хулосаларга таянилган (Озарбайжон Миллий Илмлар академияси Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институтининг 2018 йил 24 апрелдаги 48-рақамли маълумотномаси). Натижада ўзбек романларидаги бадиийлик ва шахс концепциясининг талқини, поэтик хусусиятлар ҳақидаги билимларини оширишга эришилган;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2018 йил 13 мартдаги «Анъанавий йиллик наср» йиғилишида, диссертацияда илгари сурилган шахс концепцияси, руҳият талқини, романий тафаккур, образларнинг поэтик хусусиятлари ҳақидаги хулосалардан фойдаланилган (Ёзувчилар уюшмасининг 2018 йил 24 апрелдаги 01-03/488-маълумотномаси). Илмий натижанинг амалиётга тадбиқ этилишида кейинги йиллар замонавий романларидаги адабий-эстетик ҳодисаларни типологик ўрганиш бўйича назарий умумлашмалар чиқаришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадио-каналнинг «Бедорлик», «Ижод завқи», «Таълим ва тараққиёт» номли туркум кўрсатувида диссертация натижалари муҳим методологик асос вазифасини бажариб келмоқда (ЎзМТнинг 2018 йил 13 апрелдаги О‘з/Р-s-71-сонли маълумотномаси). Натижада, Одил Ёқубов ижодининг маънавий-маърифий, ижтимоий-эстетик аҳамиятини атрофлича ёритишга асос бўлмоқда.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот иши натижалари жами 8 та, жумладан, 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш нашр этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик (DSc) диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола, жумладан, 17 таси республика ҳамда 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 244 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Роман поэтикаси тадрижи**» деб номланган биринчи боби икки фаслни ўз ичига олади. «**Поэтик конструкция: эстетик мезон, бадий нутқ ва ифода**» сарлавҳали биринчи фаслида адабиётшунослик назарияси ва эстетикаси жорий босқичида «поэтика» истилоҳи кенг маъно қирралари билан намоён бўлаётганлиги асосланган. Бадий образ моҳияти ва шакли, услуб, жанр ҳамда метод каби етакчи назарий тушунчалар турли давр ва йўналишлар аспектида муайян даражада ўрганилган. Ҳар бир жанр табиатига монанд тарзда намоён бўлади. Жанрнинг ҳар бир намунасида ўзига хослик касб этади. Шундай экан, соф илмий таҳлил негизида ҳам алоҳида ижодкор, жанр, ифода маҳорати масалалари туради. Шу боисдан, биз тақдим этилаётган тадқиқотда муаммонинг баъзи қирралари: поэтик матн қонуниятлари, бадий макон ҳамда замон талқини, ёзувчи услубига, хронотоп тасвирига, ифода индивидуаллиги тадқиқ қилинди.

Бугунги кунда алоҳида ижодкор романлари поэтикасини ўрганишга бўлган интилиш ортганига қарамай, «поэтика нима?» деган саволга жавоб бериш ҳам анча мураккаб. Шундай фикрни илгари сурган рус мунаққиди М.Поляков масалани уч назарий ўлчамда: «ҳам материал нуқтаи назаридан,

хам устқурма нуқтаи назаридан, ҳам вазифадошлик нуқтаи назаридан (таъкид бизники А.Н.) махсус ўрганиш мақсадга мувофиқ»¹, – деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, поэтика ва адабиёт назарияси тушунчалари айни бир нарса эмас. Алоҳида-алоҳида жараёни изохлайди. Ёзувчи роман тагматнида асар яратилган давр руҳига ишоравий муносабат билдиради. Ҳаёт ҳақиқатининг семантик ўзгаришлар босқичини ўтаб (трансформацияга учраб), турфа бадиий унсурлар уйғунлигида бирикуви, яъни сюжет, композиция, услуб, ифода жиҳатидан яхлитлашуви жанр табиатига монанд тарзда кечади. Рус олими М.М.Бахтин эстетик идрок андозасини тўрт босқичга тақсимлайди: эстетик илғам-вазифа-материал-санъат². Дарҳақиқат, роман узвларини ягона марказга уюштиришда икки поэтологик қирра уйғунлашуви: бадиий хосланганлик даражаси муаллифнинг шартлилик, анъана, жанр, эстетик меъёрни уйғунлаштира олиши муҳимдир. Шу нуқтаи назардан, адабиётшунос С.М.Эйзенштейн «тасвир руҳияти» ва «фалсафий умумлашма»³, бутунлигини эстетик модус сифатида тайин этганда мутлақо ҳақ эди. Адабий коммуникация бирлиги ва бадиий мазмун ўртасида ифода, талқин, таҳлил муштараклиги акс этади. Шу нуқтаи назардан, Одил Ёқубовнинг «Адолат манзили» романидан олинган ушбу парчага эътибор қаратамиз: «Суюн Бургутни совхоз шаҳарчасига дафн этишга руҳсат беришмади... Халойиқ йиғилди. Доду фарёдни эшитиб бир зумдаёқ ҳаммаёқни одам босди. Наинки ҳовли, кўча ҳам элга тўлиб кетди. Суюн Бургутнинг жасадини олиб келган бойваччасимон йигитлар аввал тўпланган юртни ҳам писанд қилмай, ўдағайлаб кўришди, аммо йиғилган эл ҳам бўш келмади. «Бир бегуноҳ, беайб, покиза мусулмонни бесабаб-беёзиқ жувонмарг қилганларинг озми? Энди уни расм-русмимизни ҳам бажо келтирмай, жаноза ҳам ўқиттирмай, пинҳона кўймоқчимисанлар! Инсоф борми сенларда? Мусулмонмисанлар ўзларинг ё кофирмисанлар? – деб ғалаён кўтаришди»⁴. Мазмун давр руҳиятидан ижодкор фитратига ўтган. Шахс қисмати ҳамда воқелик таҳлили бевосита адабий тасвир моҳиятида маромига етган. Юқоридаги тасвирда миллат қалбида исён белгилари зоҳир бўлади. Халқ манфаати ва эҳтиёжлари учун елиб-югурган, ўз шижоат ва иродасини эл-юрт йўлига тиккан қаҳрамон фожеаси янада асослироқ ёритилади. Биз поэтик ифодани шартли равишда тўрт қисмга ажратдик: а) бадиий тўқима, б) фалсафий умумлашма, в) мантикий конструкция, г) эмоционал тизим. Бу сифат нисбийдир. Адиб романнавис сифатидаги адабий феномени унинг адабий характерларини фикр, туйғу, ҳаёт ҳақиқати ва даврга муносабат негизида ишончли ифодалашни поэтик далиллашида намоён бўлади.

Ижтимоий моҳият ҳар бир персонажнинг ҳаёт тарзи, яшаш майдонини белгилаб беради. Жамият талаби ва тақозоси ёхуд тақдир ҳукми инсон характери шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Поэтик талқин ғоят мураккаб ва кўп қатламли ҳодисадир. Жумладан, адиб ҳар бир сўзни ҳодисанинг

¹ Поляков М. Вопросы поэтики и художественной семантики. –М.: Сов. писатель, 1986. –С.5.

² Бахтин М.М. Проблема автора. –«Вопросы философии», 1977. № 7. –С. 150.

³ Эйзенштейн С.М. Избранные произведения в 6-ти т. Т.3. – М.: 1964. – С. 277.

⁴ Ёқубов О. Адолат манзили. –Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 169-170.

ижтимоий-руҳий моҳиятини очишига қаратганлигини кўриш мумкин. Муаллиф инсон идрокини банд этган ижтимоий-руҳий муаммоларни тасвирлар экан, унда қаҳрамон хотиралари қайта тикланади. Бу жараён ўз-ўзидан асар лейтмотивини ташкил қилади. Адиб воқеалар ривожда қаҳрамоннинг характеридаги турли хислатларни, ҳаёт йўли давомида юзага чиқарган хатоликларини, йўл қўйилган камчиликлар ва адашишларни асосий мақсад сифатида юзага чиқаради. Бу эса поэтика ҳодисасининг барча унсурларини бир нуқтага йиғишда муҳим омил эканлиги таҳлил ва кузатишлар натижасида яққол намоён бўлган.

Бобнинг иккинчи «Характер эволюцияси ва поэтик ифоданинг ижтимоий-психологик асослари» номли фаслида эстетика ва адабиётшунослик назарияси инсонни билиш, характер тадрижини ёритишни доимо етакчи муаммо деб билганлигига эътибор қаратилган. Буни «Оққушлар оппоқ қушлар» романидаги ижтимоий-психологик зиддиятларнинг теранлашувини ушбу мисолда ҳам кўришимиз мумкин: «Келини Меҳринисо тошкентлик. Ўғли иккиси ўқиш даврида топишган. Меҳринисо ота-онасининг розилигисиз, Шоқосимни деб Тошкентдай шаҳри азимни ташлаб келган. Улар бир-бири билан шундай иноқ эдиларки, худди икки кабутарга ўхшар, Шоввоз билан Ойсулув уларнинг иноқликларини кўриб, қувончлари ичларига сиғмас эди. Ўғлининг аҳмоқ бўлса ҳам келининг доно бўлсин, деганларидек, келинлари ёмон эмас, ақли-хуши жойидагина эди, анов зўравон отанинг мана бу эркатой зурриёди келди-ю, икки кабутарнинг ўртасига калхат бўлиб тушди! Нима мақсадда қилди бу ишни? Наҳот қишлоқда тарқалган анов машъум миш-мишлар ҳақиқат бўлса!»¹. Романида воқелик даврнинг руҳияти талабларидан келиб чиқади. Кескин ижтимоий муносабатдан ўсиб чиқадиган талқинда руҳий изтиробларнинг сабабини қаҳрамон англашга улгурмайди. Муаллиф хотира лейтмотиви воситасида қаҳрамон ҳаётини ўзига хос тарзда тадқиқ қилади.

Одил Ёқубов асарларида тафсилотлар ҳажми ҳамда узвий алоқадорлиги воқеликни бадиий тадқиқ этиш миқёси ва адиб фитратида тикландиган назарий концепцияни илгари суради. Бу концептуал қарашлар қўйилган масала ва унинг залворини икир-чикирлар билан қамраб олишга йўл очади. Адиб ана шу мазмуний бутунлик орқали ҳаётининг материал талқинига муносабатини билдиради. Маиший тафсилотлар узвий алоқадорлиги воқеликни бадиий тадқиқ этиш миқёси ва адиб фитратида мавжуд инсоний ҳақиқатларни асослашга қаратилади. Бу концептуал қарашлар романда қўйилган ижтимоий-ахлоқий масала ва унинг залворини икир-чикирлар билан қамраб олишга замин ҳозирлайди. Ёзувчи ижтимоий-психологик зиддиятларни тасвирлар экан, бу жараён қаҳрамон характерининг шаклланишига асос бўлади. Натижада, *моно-диалогик онг* ижодкор тамойилларини бошқарадиган шаклий-услубий изланишлар кўламини таъминлайдиган бош мезон даражасига кўтарилади. Ҳаётининг поэтик тасвир

¹ Ёқубов О. Оққушлар оппоқ қушлар. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 8.

ёзувчи ижодий нияти билан ўзро бирикиб, мақсаднинг юзага чиқишига замин яратади.

Ёзувчи бадиий образни индивидуал хусусиятлари билан кўрсатиш орқали конкретлаштиради, образга жонлилик, ҳаётийлик, табиийлик бахш этади, эмоционалликка эришади. Ўқувчи ҳиссиётига таъсир қилади, уни ишонтиради. Замонамизнинг маънавий-ижтимоий жараёнларини бадиий таҳлил қилган учала романини, яхлит ҳолда ўзига хос трилогия сифатида кузатсак, муаммолар тадқиқи романдан романга ўсиб бориш жараёнининг гувоҳи бўламиз.

Ҳар бир даврда инкишоф этилган бадиий талқин олам ва одамни янгича идрок этиб, ўз дунёсини бунёд этаётган ижодий-мантиқий тушунчани ҳам илгари суради. Бадиий моҳиятнинг ўзига хослиги, мушоҳаданинг онг ҳамда туйғуда қайта ижодий шакллантирилган тизимига асосланганида кўринади. Характер инсонга сингдирилган муаллиф концепциясида давр ва жамиятнинг бутун борлиги, тараққиёти, замон эврилишлари силсиласида туғилаётган зиддиятлар, реал муаммолар, негатив ҳолатлар ўз ифодасини топади. Қолаверса, романнинг гуманистик моҳияти ва йўналиши, аввало, инсонни бадиий акс эттирувчи фалсафий-эстетик принципларда, шахснинг ўтмиши, бугунги ва келажак ҳаётига нисбатан муаллиф нуқтаи назарида, мақсад ва интилишларнинг рухий-интеллектуал мушоҳадасида намоён бўлади.

Тасвирдаги аниқлик эса айнан кичикдан каттага, хусусий ҳодисалардан ҳаётий умумлашмаларга интилишга кучлилиги билан изоҳланади. Ўз навбатида, халқ руҳияти, миллат истикболини атрофлича таҳлил қилиш асосида, ёзувчининг ғоявий-ҳиссий муносабати ҳам ойдинлашади. Бу муносабат инсоният келажигига ишонч билан қараш, уни бадиий идрок этиш ва тушуниш нуқтаи назаридан мантиқий яхлитлик касб этади. Аслида, ижодий ниятнинг асл ижроси ҳам ҳаёт ҳақиқатини англаш ва ўз англаганларини гўзал шакл ва бадиий сержилоликда китобхонга тақдим этишда намоён бўлади.

Ёзувчи бадииятида эпик характер услубий нозикликни намоён этадиган воситалар мажмуига айланади. Бадиий штрих, психологик таъкид, ёрқин ҳаётий тафсилот, ситуация каби воситалар характер табиатини очиб берадиган муҳим жиҳатлар эканлигини таҳлил қилдик.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **«Бадиий мантиқ ва шахс концепцияси»** деб номланган. **«Эпик майдон: руҳият тасвири ва ижодий концепция муштараклиги»** деб номланган фаслда эпик майдон тушунчаси муайян изчиллик асосида шаклланадиган фалсафий категория ҳисобланиши, сюжетдан воқеалар ривожига, воқеалар ривожидан композиция яхлитлигига олиб борадиган жараён эканлигини илмий-назарий асослашга эришдик. Мазкур хусусиятлар давр руҳи, эпик майдон муносабатини, ҳажм ва миқдор муштараклигини тасвир марказига йиғишини аниқлаштирдик. «Кўҳна дунё» романида эпик майдон ички қарама-қаршилик ёрдамида реаллашади. Муаллиф эпик майдон тасвирига кўпроқ урғу беради. Тавсифий ва қиёсий-анологик чизгилар, характерли бадиий деталлар миллат турмуш тарзини асар руҳига сингдиради, натижада, инсоний муносабатлар миллий маънавиятни

ёркин ифодалаган типик умумлашмаларни юзага чиқаради. Масалан: «Ажал! Ҳаёт ва ўлим! Мана, салкам қирқ йилдирки, бу ечилмас тугун Ибн Синонинг ҳаёлини бетиним банд этиб келади, бу чигал сир-асрорнинг тагига етиш орзусида у қай кўчаларга кириб чиқмади, не-не доруларни яратмади..! Мана, соқолига оқ оралаб, кўзидан нури, белидан қуввати кета бошлади ҳамки, илм бобидаги бу қувди-қочдининг интиҳоси кўринмайди»¹. Демак, кўхна оламнинг ҳаёт ва ўлим билан боғлиқ азалий муаммоси барча замонларда ҳам интиҳо билмаслигига эътибор қаратади. Бутун асар сюжети, воқеалар ривожини композицион жиҳатдан ана шу нуқтада яхлитлашади.

Машҳур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг ижодий тажрибаси Одил Ёқубов бадиий изланишларида кўзга ташланади. Бу типологик муштараклик биринчидан, объектив воқелик ва субъектив талқин уйғунлигида намоён бўлади. Иккала ёзувчи асарларида ҳам субъектив компонентлар босими ортади. Агар «Асрга татиғулик кун» романида шахссиз – мавҳум ифода (миф, афсона, ривоятлар) мустақил ижодий муқобиллик касб этса, «Адолат манзили» романида от билан боғлиқ мифологик тасаввурлар тўлдирувчи компонент, Маржонтов афсонаси соф субъектив талқин сифатида мустақил моҳиятни юзага чиқаради. Иккинчидан, инсон ва унинг ижтимоий-маънавий ва биологик борлигини янгича идрок этиш тамойили, иккала адиб бадиий изланишларини бирлаштириб туради. Адабий концепцияларда инсоннинг табиат ва жаmiятга боғлиқлиги, вақт бирлиги бетакрорлиги эпик майдон кенглиги кузатилади. Учинчидан, бадиий талқинни яратиш эмас, балки қайта тиклаш, ҳамда теран адабий талқин қилиш ижодий индивидуалликни белгилайди. Ахлоқий-маърифий концепциянинг изчил тарзда барқарор бўлиб бориши «Адолат манзили» романида бўртиб туради. Худди «Асрга татиғулик кун» романи сингари бу асарда ҳам композиция икки қисмдан иборат: биринчиси табиат ва унинг тарихи, иккинчиси жамият ва унинг тарихи. Дастлабки талқинда фалсафий тасаввур коинот уйғунлигини далиллашга хизмат қилса, учинчидан, иккламчи тасвир шахс ва жамият муносабати чигалликларини бадиий тадқиқ марказига кўтаради. Тўртинчидан, иккала асар таҳлил руҳиятини янгича ҳам ижтимоий-мафкуравий, ҳам адабий эстетик ёндашувлар ташкил этади. Ҳар иккала адиб яратган романларда башарият маиший турмуш тарзи ифодаланади ва ўзгараётган дунёқараш билан уйғунлик касб этади. Бешинчидан жанрий-шаклий тизим яхлитлиги таъминланади. Аслида умумруҳият муносабатлари узлуксизлиги инсон умри ибтидоси ва интиҳоси, қисмати ва борлигини тўла идрок этишга йул очади. Чингиз Айтматов ижодий тафаккурига хос талқин ва таҳлилда теранлашиш Одил Ёқубов романларида ҳам ўз ифодасини топган.

«Осий банда» романидаги Саркор образидан фарқли ўлароқ Ўткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар» романида Комиссар характеридаги бир жиҳат китобхон эътиборини тортади. У ҳар қандай шароитда ҳам ўз эътиқодига содиқ қолади. Бу борада қаҳрамон ҳатто ўз мақсад ва

¹ Ёқубов О. Кўхна дунё. –Т.: 1983. 148-бет.

интилишларининг сароб ва алдов асосига қурилганлигини жиддий ўйлаб ҳам кўрмайди. Лейтенант Ғаниевнинг «оқимга қарши сузганим бўлсин» деган эътирофи замирида адибнинг яширин нияти ҳам акс этади. Табиийки, оқимга қарши сузиш инсонни заволга етаклайди. Шу нуқтаи назардан, собиқ иттифоқ давлатчилиги ҳам ҳаётнинг табиий оқимига қарши «сузган эди». Унинг қаттол сиёсати, одамзод онги ва шуурига етказган маъшум таъсири Саркор ва Комиссар қиёфаларида юқори нуқтага кўтарилади. Лейтенант Ғаниев характери шу даражага бориб етадики, у ҳатто ўз яқинларидан, аниқроғи, ўғлидан ҳам шубҳалана бошлайди. Шу тариқа ундаги фожиалар икки ёқлама характер касб этади. Бир томондан, социалистик ғоя қаҳрамонни ўз «темир қонуниятлари» ёрдамида тарбиялаб улгурган. Иккинчи томондан, «отставкадаги полковник» ижтимоий воқеликдаги жиддий янгиланишларни тан олмайди. Жамият ҳаётида кечаётган эврилишларни ўткинчи ҳолат деб баҳолайди. Эпик майдондаги тасвирнинг ўзига хос хусусиятлари ва фалсафий фикрларни юзага чиқиши таҳлил қилинди.

Филология фанлари доктори, профессор Йўлдош Солижонов таъкидлаганидек: «Ёзувчи Одил Ёкубовни кўпроқ қаҳрамонларнинг ижтимоий ҳодисаларга муносабати ҳамда маиший турмуш тўқнашувларининг характерга кўрсатаётган акс таъсирини таҳлил этиш ўзига тортади. Шу тўғриси адиб асарларида психологик таҳлил принципларининг ўзаро чатишуви, қоришиб кетиши кўп учрайди».¹

Адиб «Осий банда»да миллат турмуш тарзини уч тарихий ўлчамда (кеча-бугун-эртага) гавдалантиради. Бу вазият бир томондан, ўсиш-ўзгаришлар ҳажмини тўлиқ тасаввурга сингдириш имконини берса, иккинчи томондан, субъектив поэтик тушунчани аниқлаб олишга яқиндан ёрдамлашади. Айни чоғда муаллиф биографик чизгиларни иккита (турғунлик даври ва янгиланиш палласи) мантикий жойлашувида беради. Характерли томони шундаки, ҳаётининг воқелик ва бадиий тасвир бир-бирини тўлдирди, бойитади ҳамда асослайди.

Умуман, «Адолат манзили» ва «Осий банда» романларида даврлараро узвийлик мураккаб, ички монологнинг психологик мотивлашган тизимида тўқнашамиз. Алоҳидалашган субъектив нутқ барча икир-чикирларни ўзида мужассамлашган поэтик усулга айланади. Унинг ҳаётининг қамров даражаси «роман вақти» (Бахтин) шаклланишига имкон яратади. Мазкур бадиий туртки чексизликни сувратлайди, аниқроғи, хотира-муҳокама субъектив вақт оралиғининг чегараланмаганлигини мантиқан далиллайди.

«Романий тафаккурда ижодий матн ва бадиий мантиқ» номли иккинчи фаслда романий тафаккурнинг ижодкор дунёқарашида шаклланиш босқичлари тўғрисида фикр юритдик. Бу эса ҳаёлот жўғрофияси (Хосе Ортего-и-Гассет) уч қисм: *замон психологияси, ижтимоий воқелик тадрижи* ҳамда *маънавий ҳаёт теранлигини* композицион яхлитликда умумлашади. Матнда воқеликнинг хронологик давомийлиги бадиийлик даражасининг имкониятларини кенгайтиради. Бу ҳолат бир томондан услубий изланишлар

¹ Солижонов Й. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. –Б. 48.

билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, китобхон дунёқараши ҳамда муаллиф нуқтаи назарининг муносабатига боғлиқдир. Адабиётшунос А.Раҳимов таъкидлаганидек: «Оламнинг эпик ҳолати мавжуд экан, йирик эпик романлар ўлмайдди, аксинча, инсон кечинмалари ва ўйлари тасвиридан бошлаб, бир муддатли ҳолатигача таҳлил қилиш ҳисобига кенгайди, унинг ички дунёсига чуқурроқ кириб бориш ҳисобига такомиллашади ва бойиб боради»¹. Мазкур манбада адиб романларига хос ижодий концепция такомилли маълум даражада яхлитликни юзага чиқаришга хизмат қилганини тадқиқ қилдик. Ёзувчи асарларида доимо даврнинг илғор маънавий-ахлоқий интилишлари бадиий тасвири етакчилик қилади. Унда ижодкор нуқтаи назарида жамиятнинг ана шу муаммолари поэтик мушоҳада-муҳокамаси теран эстетик қиймат касб этади. Адиб поэтик изланишларнинг мағзини инсон борлигини ижтимоий-психологик такомилда тасвирлашга алоҳида диққат қаратади. Адиб романларида ифодаланган маъно-моҳият халқ манфаат ва интилишларига вобастадир. Поэтик талқинда мужассам муаллиф концепцияси қаҳрамон оламини ойдинлаштиради, етакчи образ динамик тадрижи тасаввур чизиқларини марказлаштиради, тасвир тамойиллари қисми эса, эпик майдон фалсафий теранликларини бадиий умумлаштиришга хизмат қилади. Буни ушбу мисолда куздадик: «Отақўзи юрагининг тагидан даъфатан вулқондай қайнаб келган ғазабни зўр-базўр тўхтатиб қолди. Зум ўтмай бу ғазаб, тоғасига қарши дилида жўш урган бу исён қандайдир аламли бир туйғу билан алмашди-ю, узоқ мум тишлаб қолди. У чолнинг нега бундай қилаётганини яхши биларди – ҳаммасига унинг эски рақиби профессор Миробидов сабабчи! Ё тавба! Туғишган тоға бўлса-ю, эски рақибига панд бериш учун ўз жигарининг фарзандини ҳам аямаса!.. Инсофу адолат қани?»².

Адиб ушбу романида ижодий концепция такомиллашувига жиддий ёндашган. Унда «Диёнат»даги барча персонажлар ёзувчи ижодий ниятини юзага чиқарувчи перонажлар эмас, ўз тақдирлариаро зиддиятга киришган характер сифатида ҳам китобхонда чуқур ҳамдардлик ҳиссини уйғотади.

Одил Ёқубовнинг «Адолат манзили» романида матн бир-бирига мантиқан боғланган учта коммуникатив алоқадорликдан ташкил топган. Дастлабки морфологик алоқа Маржонтов афсонаси негизига қурилган мифопоэтик тафаккур оқимидан иборат: «Йўқ, Маржонтов ҳам, боболарга мадад берган, ёв келганда қалқон бўлган Маржонтов ҳам бугун гунг, сассиз, соқов!»³. Бинобарин, боболар ва набиралар ўртасида пайдо бўлган бўшлиқ руҳиятдан борлиқга кўчган.

Маржонтов афсонаси асарнинг бутун бадиий тўқималарига ёйилиб кетганига қарамасдан, семантик майдоннинг икки қатлами: материя ва тушунча узвини туташтиради. Ҳодисотни бир-бирига боғлаш мифопоэтик дунёқарашнинг ўзига хослигини юзага чиқаради.

Коммуникация тармоғининг иккинчи жиҳати қишлоқ маиший турмуш тарзини тавсифлашга қаратилган. Муаллиф аксар ҳолларда таҳлилда

¹ Раҳимов А. Ўзбек романи поэтикаси. Док. дисс.автореферати. – Тошкент: 1993. – Б. 26.

² Ёқубов О. Диёнат. Роман. –Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 20-21.

³ Ёқубов О. Танланган асарлар. 1-жилд. Адолат манзили. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 175.

теранлашмайди. Адиб тасвир нукталарини тавсифий белгиларга кўчиради. Қишлоқ ҳаётини персонажлар аналогияси (Ветеран-Суюн Бургут-Мансур Меш-Маржонной)га сочиб ташлайди. Мазкур усул воқелик ижодий мантиғига бир қадар путур етказди. Шунга қарамасдан, ёзувчи лирик ифода ва эпик майдон мувозанатини сақлаб туришга эришади. Маржонтов ўланлари ва Суюн Бургут фожеаси ўртасидаги мантиқий алоқа адабий бўшлиқни тўлдиради. Аслида бу фожиа миллат бошига тушган изтиробу ташвишлар ифодаси эди. Демак, муаллиф алоҳида шахс фожиасини ёритиш орқали миллат шуури, онги ҳамда дунёқарашига кириб боришга ҳаракат қилади.

Муаллиф бадииятига хос хусусиятлардан бири сифатида ижодкорнинг барча асарларида инсон ҳаёти, маънавий олами, интеллектуал даражаси ҳисобга олинади. Марказий қаҳрамонлар, одатда, ўрта қатламдан танланади, шу ўринда ҳақли савол туғилади: нега шундай? Чунки ўрта бўғин миллатнинг соғлом турмуш тарзи, эътиқодини ўзида жилвалантиради. Айтиш мумкинки, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар инсон психологиясини тўла янгилай олмайди. Зотан, табиат ва жамият инсоннинг ўтмиши ва бугуни, олам ва одам ҳақидаги муайян қарашлар тизими, ижтимоий фикрнинг поэтик ғояга айланиш тарзи ортида муаллиф концепциясининг ифодаси мавжуд. Умуман, бадиий мантиқ ва шахс концепцияси ёзувчи романларида мантиқий изчилликка асосланганини кузатдик. Мазкур яхлитлик бутун асар поэтикасини бирлаштириб турадиган асосий восита эканлигини илмий-назарий жиҳатдан текширдик. Роман қисмлари ва улар орасидаги мантиқий яхлитлик ёзувчи дунёқарашининг асардан асарга томон ўсиш-ўзгаришларда такомиллашиб борганини муайян даражада асосладик.

Диссертациянинг учинчи боби **«Тарихий ҳақиқат ва бадиий хронотоп поэтикаси»** уч фаслни ўз ичига олади. **«Ёзувчи романларида бадиий макон ва замон талқини»** номли фаслида бадиий хронотоп хусусиятлари таҳлилга тортилади. Рус мунаққиди М.М.Бахтин хронотопни шаклий-мазмуний тушунча тарзида адабиётда инсон образини шакллантирадиган етакчи восита сифатида талқин қилади¹. Шахс фаолиятини бадиий макон ҳамда замоннинг уюшганлик даражасини жипслаштиради. Бадиий макон ва замон уйғунлигининг поэтик ифодаси, тасвир хронотопи бадиий талқинига янгича характер ва ўзгача вазифа юклайди. Зеро, ҳар қандай «роман мураккаб тизилмаси турфа даврий чизгиларнинг ўзаро муносабати: ифода драматизми, ахлоқ мъёрлари ва миллий маънавиятнинг муҳим халқаларини кенг ёритиш имконини беради»².

Ижтимоий-психологик талқинда ижодий индивидуалликка эришган ёзувчи давр руҳияти, шахс маънавияти ва миллат менталитети бадиий яхлитлик касб этади. Зотан, романий тафаккур биринчи навбатда, бадиий шакл ўзига хослигини ва мазмун қамровини таъминлайди. Романда давр руҳияти ва мазмун қамровининг теранлигини яхлитлаштиради. Давр ва ижодкор руҳиятининг ўзаро муносабати доимо баҳсталаб муаммо бўлиб келган. Баъзи мунаққидлар ҳамкорликни объектив категория сифатида

¹ Бахтин М.М. Вопросы и литературе и эстетики. – М.: Художественная литература, 1975. – С. 235.

² Ритм пространство и время. – М.: Наука, 1974. – С. 194.

этироф этишса, айрим адабиётшунос олимлар бадий вақтнинг субъектив моҳиятига урғу беришади. Муаммога ёндашув турфалиги назарий қарашларнинг фарқланишига олиб келади. Аслида, бадий вақт бирлигида кечган жараёнлар моддийлашади. Ёзувчи дунёқараши онг ёхуд туйғуси Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романида ташқи ҳаракат иккинчи планга тушади, унинг ўрнини ички ҳаракат-руҳият таҳлили эгаллайди. Ифода аниқлигини ёрқин хотиралар, аламли хаёллар, монологик онг теранлигини белгилайди.

«Оққушлар оппоқ қушлар» романида ҳаракат тизими ниҳоятда кенг ва ранг-баранг жўғрофий минтақаларда кечади. Асарда батафсил баён гоҳ санъат оламига кириб борса, гоҳ халқ маънавияти ва урф-одатлари сари етаклайди. Бадий тасвир гоҳида ижтимоий мотивацияни шакллантиради, ишқ талқини ва ахлоқий масъулият туйғуси намоён бўлади. Бундай жиҳатлар роман бадий яхлитлигини тўлдиради. Сюжет тизимини ҳаракатлантиради. Ҳаётий қамровни халқ тафаккури билан чамбарчас боғлаб, ижтимоий, фалсафий ғоя залворини оширади.

Ёзувчининг «Улуғбек хазинаси» романида даврнинг мураккаб тарихий моҳияти ўз аксини топган. Шунингдек, асарда бадий хронотоп концепсияси гўзал лавҳаларда ифодаланган. Чунки бадий асарда вақт¹, макон² талқинлари орқали маълум бир давр ижтимоий ҳаётидаги зиддиятлар ва шахс характеридаги кечинмалар ўз аксини топади. Бу категорияларсиз асар сюжети, композициясининг мукамал чиқишини тасаввур қилиш мураккаб. Ҳар қандай образ маълум бир бадий замон ва маконда ҳаракат қилади. Замон ва макон масаласи Б.С.Мейлах, Г.Э.Лессинг, Ю.М.Лотман, А.А.Фридман, М.Бахтин, М.С.Каган, В.В. Молчанов каби сўз санъаткорларининг асарларида бевосита санъат ва адабиёт билан узвий боғлиқликда ўрганилган. Тарихий ва замонавий романларда бадий вақтни тўғри ва ишончли поэтик ифодалаш тарихни ёриш демакдир. Тарихий замон бадий асарда ўзига хос тарзда ифодаланadi. Тарих нечоғлик кенг қамровга эга бўлишига қарамасдан, романда вақт қисқаради. Асар сюжети айрим характерли ҳодисалар атрофида чегараланса-да, макон билан узвий алоқага киришади. Бадий воқелик реал вақтдан, давр одамлари қисматидан унчалик узоклашмайди. Шу боис, романда замон ва макон узвийлиги муҳим аҳамият касб этади.

Бадий асарда тасвирланган замон ва макон бетакрор хусусиятга эга. Адабиётда вақт тушунчасини акс эттиришнинг турли шакллари мавжудлигини назарда тутган М.Бахтин хронотоп тушунчасини йўл, учрашув, қалъа, меҳмонхоналар билан боғлиқ деб ҳисобласа, Н.Гей эса унинг *соат, дарё, соя* каби унсурларни асар композиция қурилишидаги вақт тасвири билан чамбарчас алоқадорлигини таъкидлайди. Бу фикрларни инкор қилмаган ҳолда, биз вақтнинг мажозий белгиларидан ташқари, санъаткорлар баъзан тўғридан-тўғри вақтни кўрсатиб ўтишларини ҳам таъкидламоқчимиз.

¹ Уитроу Дж. Естественная философия времени. – М.: Прогресс, 1964. –С.190.

² Гришман М., Орлов Е. Проблема изучения ритма художественной прозы. – М.: Русская литература, 1972. – С. 86.

Йил фасллари тасвирини, оқар сув ва бадиий образларнинг келажак ҳақидаги орзу-умидлари, баъзан лирик чекинишга ўхшаб кўринадиган, аслида эса қаҳрамоннинг ҳозирги вақтдан тарихга, аниқроқ қилиб айтганда эса, ўз ўтмишига саёҳати билан боғлиқ ва бошқа эпизодларни ҳам инobatга олиш лозим. Тарихий асар муаллифлари қайси замон ва маконга мурожаат қилмасин, вақт тасвирига жиддий эътибор беришади. Бу эса, бадиий асарнинг ишончлилиги хусусиятини теранроқ намоён қилади. М.С.Коган таъкидлаганидек, «Замон ва макон тушунчаси жумладан, бадиий асарларда яратилган образларнинг турфа хил оламини тавсифлаш баробарида, ўзи ҳам образли характерга эга бўлади. Ҳар қандай бадиий асарда замон ва макон талқини тасвирий-ифодавий маъноларни ўзида мужассам этади»¹.

Хронологик изчиллик асосига қурилган ушбу асарда тасвир руҳияти бадиий макон ва замон яхлитлигидан ўсиб чиқади. Шу боис, «Улуғбек хазинаси»нинг илк саҳифалари бадиий вақт тасвири билан бошланади. Бу тасвирлар ижтимоий муҳитнинг, яъни Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврининг зиддиятли қирралари билан ўқувчини таништира бошлайди. Адиб қаҳрамон сифатида реал тарихий сиймоларни танлар экан, характерлар бадиий тадрижини «роман вақти» (М.М.Бахтин) бирлигига бўйсундиради. Эътиборли жиҳати шундаки, ифода мустақиллиги тизимида тил характерга, характер эса тилга ўтиб туради. «Улуғбек хазинаси»да тарихий ҳодиса содир бўлаётган вақт эса, умр бевафо, тожу тахт бебаҳо (шаҳзода учун), илм-фан абадиятга дахлдор экани билан боғлиқ роман леймотивини таъкидлаш имконини беради.

Ўзувчи асарда Салоҳиддин заргар образини қисқа тарихий вақт бирлигида кичик-кичик деталлар орқали ёрқин, таъсирли чизишга муваффақ бўлган. Одатда, фарзанди, набираси ўлими устида куйинган ҳақиқий бобо олтин-жавоҳирларни, бойликни ўйламаслиги керак. Лекин Салоҳиддин заргар у тоифадаги боболардан эмас. Одил Ёқубов юқорида келтирилган ва бошқа тафсилотлар ёрдамида Салоҳиддин Заргар ва, Шайх Убайдулло Ҳўжа Аҳрор билан бўлган суҳбатида Заргарнинг нутқини индивидуаллаштиришга эришган. Аммо «мустабидлик даврида ёзилган кўп асарларда замонасозлик бўлганидек, бу замонасозлик бизнинг асарларимизда ҳам озми-кўпми бор, албатта. Буни тан олмоқ керак», – деб ёзади Одил Ёқубов «Ёв қочганда ботир кўпаяр» номли мақоласида. Шу фикрга амал қилишнинг ижодий намунасини кўрсатади. Тўғри, ўзувчи романда тарих ҳақиқатига зид бориб, Хожа Аҳрор Валий образига нисбатан «ноҳақ» тасвир йўлини танлаганлигини, бунга сабаб ўша давр эканлигини ҳам таъкидлайди. Романнинг қайта ишланган, тўлдирилган 1994 йилги нашрида бундай тасвирлардан воз кечади ва жиддий таҳрир қилади. Тарих ҳақиқати асосли жонлантирилади.

Иккинчи фасл «**Ижтимоий-ахлоқий идеал ва характер талқини**» деб номланади. Адиб романлари инсон маънавий-руҳий борлигининг чуқур тадқиқ этилиши, поэтик ифода индивидуаллиги билан эътиборни тортади. «Диёнат» романи қаҳрамони Отақўзи билимдон, дунёқараши соғлом,

¹ Каган М.С. Пространство и время в искусстве как проблема эстетической науки. Ритм пространства и время в литературе и искусстве. – Л.: Наука, 1974. – С. 31.

меҳнаткаш, дилкаш, танти, уддабурон, ташкилотчи одам. Амал берган чексиз имкониятлар уни ўжар, мағрур, ўзбилармон, шафқатсиз, тошбағир кимсага айлантира боради. Бундай сифатларнинг кучайиши мураккаб табиатли қаҳрамоннинг эзгу фазилатларини сояда қолдира бошлайди. Ёзувчи романда улкан имкониятларнинг одам феълига таъсирини алоҳида шахснинг парвози ҳамда инқирози, яъни кучли ва ожиз томонлари фониди кўрсатишни мақсад қилади. Пок, ҳалол, инсоф-диёнатли, фидойи шахс Нормурод Шомуродов эътиқод ва диёнатнинг тимсоли роман лейтмотивини ифода этади.

«Улуғбек хазинаси» тарихий романини яратар экан, Одил Ёқубов тадқиқотчи-ёзувчи, узоқ тарих билан ҳозирги кун орасидаги боғлиқликни ҳис этувчи санъаткор эканлигини намоён этади. У халқининг ўтмишини ҳозирги куннинг етакчи ижтимоий-ахлоқий идеаллари нуқтаи назаридан баҳолайди. Улуғбек ҳукмронлигининг сўнгги кунларини бадиий таҳлил этар экан, ўша давр илғор кишиларининг ўй-мулоҳазалари, интилишларини кўрсатиб беради. Профессор А.Расулов таъбири билан айтганда, «Илмий-техника тараққиёти даврининг етук вакили бўлган ёзувчи XV асрда илм машъалини ёққан, ёрқин келажакка илм-маърифат йўлидангина бориш мумкинлигига ишонган Улуғбек, Али Қушчи, Мирам Чалабий, Қаландар Қарноқий характерларини яратди»¹.

Асар сюжетида Улуғбек даври барча мураккабликлари билан умумлаштирилган. Темурийлар сулоласининг етук вакили Мирзо Улуғбек умрининг сўнгги давлари асар сюжетида асос қилиб олинса-да, тож-тахт курашларининг авж олиши, халқнинг аянчли турмуши ҳаққоний ўз аксини топади. Тарихий манбалар Мирзо Улуғбекнинг халққа бўлган муносабатини, Мовароуннаҳр фаровонлиги учун фидойилигини тасдиқлайди. Бинобарин, романда ижтимоий тарихий давр ҳаёти бадиий ифодасини топади. Бош қаҳрамон ўз пуштикамаридан бўлган фарзандига қарши боришга мажбур бўлади: «Қирқ йил умрини сарф қилиб, юлдузлар сирини, коинот сирини ўрганди-ю, замин сирига, инсонлар ҳаётига келганда ғафлатда қолди. У фалак сирларини билсам, замин ва ҳаёт сирларини билурмен, деб ўйлаган эди. Йўқ, янглишди! Фалак сирларининг бир четини хиёл очгандай бўлди, лекин инсоният, наинки инсоният, ҳаттоки, ўз пуштикамаридан бўлган зурриётларининг юракларига қўл солиб кўролмади, матлаблари не? Билолмади!...»².

Мирзо Улуғбек шоҳликдан воз кечиши мумкинлигини ҳис этар, аммо тахт тепасига ношуд ўғлининг орқасида турган ўз манфаатини кўзловчи шахслар келишидан изтироб чекарди. Тарихий шароит мураккаб зиддиятларни юзага чиқармоқда эди. Мирзо Улуғбекнинг кечинмаларидаги изтироблар орқали муҳитнинг зиддиятли курашлари ифодасини топади. Ёзувчи Мирзо Улуғбек оламидаги конфликтларни талқин этишда психологизмнинг хаёл, туш, ўй сингари воситаларидан унумли фойдаланади. Тарихий воқелик ва ижтимоий ҳаётдаги зиддиятлар шу асосда ёритилади.

¹ Расулов А. : Бадиийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 175.

² Ёқубов О. Улуғбек хазинаси. – Тошкент: 1991. – Б. 144.

Улуғбек яшаб, ижод этган тарихий шароит қахрамон кечинмалари орқали шахс, жамият ўртасидаги боғлиқликни эпик тасвирида намоён қилади.

Романдаги рухий кечинмалар фақат шахс ички оламида эмас, характерлар орасидаги курашда, қахрамон ва ижтимоий муҳит замирида ҳам намоён бўлади. Чунки ҳаётдаги конфликт-ижтимоий ҳодиса бўлса, асар сюжетидаги конфликт эса эстетик ҳодиса сифатида қаралади. Шунинг учун бадиий асарда конфликт санъат қонуниятларига тўла бўйсундирилган ҳолда ифодаланади. Романда адиб воқеликнинг фақат кўз илғайдиган ташқи томонларинигина эмас, балки унинг моҳиятига ҳам назар ташлайди.

Диссертациянинг тўртинчи боби **«Бадиий услуб динамикаси ва композицион яхлитлик»** деб номланган. **«Поэтик талқин ва ижодий индивидуаллик»** номли фаслида бадиийлик, ижодий индивидуаллик каби масалаларга эътибор қаратилган. Ҳар бир ёзувчининг воқеликни қандай ижодий ўзлаштириши унинг ижтимоий-эстетик идеали, дунёқараши, диди, билим савияси билан боғлиқ мураккаб жараён. Профессор Баҳодир Саримсоқов санъаткорнинг ўзига хос эстетик олами ҳақида тўхталар экан: «Агар у табиатга уйғунликни йўқотмаган ҳолда ўзининг бадиий табиатини ярата олса ва бу бадиий табиат реал борлиқда яратилишга имконсиз бўлса, бундай ижодкорни ҳақиқий санъаткор ҳисоблаш мумкин», – дея эътироф этади. Дарҳақиқат, ижодкор руҳияти уч ўлчамли маъно майдонида реал салмоқ касб этади. У ҳаётий материални субъектив туйғу ва онг призмасида қайта шакллантирар экан, объект тасвирида муаллиф нуқтаи назари муайян даражада ўз изини қолдиради. Рус адабий танқидчиси В.В.Белинскийнинг «ҳаётийликдан кўра ҳаётийроқ» сўзлари замирида ҳам юқоридаги фикр мужассамлашган. Адабий талқин доимий эврилишларни ўзига сингдирган ҳаракатдаги тизимдир.

Бадиий услуб моҳиятан ҳам жанр тадрижи, ҳам ижодкор фитратининг ўзига хослигидан келиб чиқади. Одил Ёқубовнинг ижодий индивидуаллиги дейилганида, адибнинг роман барча сатҳларини ижодий ният ижросига мувофиқ тушиши, поэтик талқин қолипидаги ўзига хослиги тушунилади. Услуб ижодкор шахси билан боғлиқ категория бўлиб, унинг ижодий индивидуаллигини белгилайди. М.М.Бахтин таъкидлаганидек, «Роман сўз тизимининг уюшган соф композицион шакли ҳисобланади, эстетик объектда бадиий тугалланманинг тарихий ёки ижтимоий ифодаси архитектуроник шакли эпик интиҳо ранг-баранглигини тайин этади»¹.

Одил Ёқубов «туш» воситасида бўлғуси фалокатларга ишора қилар экан, бу жараёнда анъанавий талқинга таянади ва қахрамон руҳиятини шу асосда таҳлил этади: «Ҳазрат Саркор ухлади, ўзиям билмайди. Тўсатдан қора довулдай бостириб келган ваҳимадан юраги ўйнаб, уйғониб кетди. Ёпирай, бу қора ваҳима қайдан келди? У ҳозиргина ёруғ эсдаликлардан кўнгли таскин топиб, осойишта уйқуга кетган эди-ку. Ё унга берган бояги бир пиёла коньяк ортиқчалик қилдими? Йўқ, коньяк эмас, ҳамма балога ҳозиргина кўрган туши сабаб! Ёмон туш! Ваҳимали туш! Гўё у, Ҳазрат Саркор, бандаликни бажо

¹ Бахтин М.М. Вопросы и литературе и эстетики. – М.: Художественная литература, 1975. – С. 19.

келтирган эмиш! Унга Маккадан олиб келган эҳромини кийдириб, тобутга солиб, Саънат саройининг томоша залига кўйиб кўйишган эмиш. Гарчи кўчадан карнай-сурнайлар овози эшитилиб турса ҳам, томоша зали жим-жит ва кимсасиз эмиш. Фақат эшикдан анча нарироқда, унинг инонган тоғлари, муовинлари Наби найнов билан Парпи пакана ва анави... партком Зиёдахон шивирлашиб ўтиришган эмиш. Уларнинг гаплари эшитилмас, аммо тобут томон имо қилишиб, жилпинглашиб ўтирганларидан уларнинг хурсандлиги шундоқ кўриниб турганмиш. Бир маҳал эшик очилиб, клубга «Кўр қори» деб ном чиқарган собиқ имом кириб келармиш. Ҳазрат Саркор бу имонсиз қорини сиёсатга зид ташвиқу тирғиботлари учун имомликдан бўшаттириб, кишлокдан бадарға қилиб юборган эди¹.

Туш мотиви ҳам Ҳазрат Саркор атрофидаги қиёфасиз кимсаларнинг иккиюзламачилиги, давр сиёсати таъсирида йўл кўйилган хатолар туғдирган изтироблари кўрсатилади. Романидан олинган юқоридаги туш мотиви қаҳрамон характери гуноҳ, тазарру ҳамда хатолар келтириб чиқарган изтироб уйғунлигида поэтик талқин этишга имкон беради. Зотан, хатоларни тафтиш этиш тазарруга йўл очади. Демак, қаҳрамоннинг бутун ҳаёти ягона нуқтага йиғилади. Одил Ёкубовнинг маҳорати шундаки, у бадий талқинда туш ва реалликни ўзаро уйғунлаштиради. Кўр қори башорати орқали қаҳрамон фаолиятига муносабат ифодаланади. Одатий кундалик муаммолар талқинида ёзувчи инсон тийнатига хос муҳим нуқталарни суратлайди. Бир қарашда келтирилган лавҳа асар динамикасидан ташқари ҳолатдек таассурот ҳам уйғотади. Бироқ туш тафсилоти ўз-ўзини англаётган инсон иқдорномаси экани боис, унинг характер қирраларини ягона эстетик марказга йўналтиради. Инсон онгости оқими таассурот ва кечинма, атроф-муҳит таъсири ва эътиқод маслағи, мушоҳада ва кузатиш изчиллигини тақозо қилади. Талқин замирида инсоният дунёқараши мантиқий тиниқликка интилади. Шу маънода, муаллиф асар динамикасини мавжуд ижтимоий-тарихий-руҳий борлиқ қатига сингдиради. Диёнат, ирода ва оқибат тушунчалари синтетик характери одамзод табиатини сифатлайди. Тасвир руҳияти марказида шаклланадиган ифода мустақиллиги қаҳрамон қиёфасини аниқлаштирадиган етакчи таомил. Унда характер бадий тадрижи, ижтимоий моҳият узвийлиги ва руҳий фаоллик тараққиёти бутун адабий тизимни гавдалантиради. Ёзувчи бадий тафаккур тадрижи ижтимоий-руҳий психологик асосларини теран тадқиқ қилган қатор асарларда қалб туйғуларига ҳамоҳанг кўплаб жиҳатларни топган ижодкорда бугунги замондошимиз кайфиятини акс эттириш, даврнинг қайноқ нафаси – ўзига хос эврилишларини қаламга олиш эҳтиёжини туғдиргани, шубҳасиз.

Умуман, услуб ёзувчининг ўз даври воқеа-ҳодисаларига фаол муносабатини қамраб олади. Бу ҳодиса ўз навбатида, ижодкорнинг бошқа ёзувчилардан фарқини кўрсатувчи омилга таъсир кўрсатмай қолмайди. Ўз услубига эга муаллифгина санъаткор ёзувчи бўла олади. Ҳар бир ёзувчи фақат ўз услуби – ўзига хос ижодий қиёфаси, ўз овози билан адабиётнинг

¹ Ёкубов О. Осий банда // Жаҳон адабиёти. 2002. 9-сон. – Б. 12.

умумий хазинасига ҳисса қўшади. Бироқ бу ўзига хослик унинг ўз даври бир қатор ижодкорлари билан ҳаёт материалини танлаш, уни бадиий идрок этиш ва баҳолаш тамойилларида, асарнинг бадиий шакл хусусиятлари, давр жиҳатлари масаласида умумийликка эга бўлишини инкор этмайди.

Бобнинг иккинчи фасли «**Роман поэтикасида услубий-композицион уйғунлик**» деб номланган. Ўзбек насри ўтган асрнинг 80-90 йилларга келиб ўзининг ранг-баранглиги, маҳсулдорлиги, бадиий қамровининг кенглиги, таҳлил майдони, шакли, мазмуни, мақсади борасида янги жиҳатларни намоён этди. Насримизда илгари тизим сифатида кўринмаган қирралар пайдо бўлди, чуқурлашди, мураккаблашди, бадиий характер яратишнинг янги усуллари, янги шакллари вужудга келди. Наср тасвир объектининг кенгайиши ва ўзгариши адабиётни янада чинакам инсоншунослик касб этди, руҳият таҳлили бадиий насрнинг асосий сифат белгиси, бадиийлик мезонига айланди¹.

Маълумки, услубий бирликлар композицион яхлитлиги ифода шакли тараққиётида маромига етади. Тўғрироғи, умумэстетик баҳолаш мезонларидан бадиий тамойилларга ўтиш семантик-структурал майдон мувофиқлиги билан ўлчанади. Ҳиссий идрокда изоҳланган тушунчага қадар масофа ижтимоий-психологик уйғунликда намоён бўлади. Чунки, назарий ҳамда ғоявий муносабатлар мувозанати услубий яхлитликни таъминлай борадиган поэтологик атрибут ҳисобланади. Ёзувчининг «Адолат манзили» романи ижодий сарҳадлари фалсафий мушоҳаданинг эпик тафаккур марказига интилишидан озиқланади. Адиб поэтик уйғунликни сақлашда оддий нутқий далолатномалар, диалогик тажрибадан унумли фойдаланади. Коммуникация жараёнининг таркибий қисми бўлган адабиёт аслида шуурий ҳиссиёт ва ақлий тафаккур бирлигига бориб тақалади. Бу муносабат аввало ифода аниқлиги ва тасвир ихчамлиги, таассуротлар ёрқинлиги ва тафсилотлар ҳаётийлигини биринчи планга кўтаради. Иккинчидан, сўзловчи ва тингловчи орасидаги экспрессив таъсир доираси ички мантиқий боғланишларни юзага келтиради. Учинчидан, ижодкор бадиий нияти мифологик, поэтик ва фалсафий нуқтаи назарларнинг умумлашма моҳиятини белгилайди. Хусусан, «Улуғбек хазинаси» романи структуравий жиҳатдан ўзига хос тизим шаклида намоён бўлади. Унда гоҳ характерда қайта ишланган воқелик тасвири, гоҳ руҳий кечинма табиий оқими ўрин алмашиб туради. Ўзаро муносабатлар шахс, маънавият ва эрк тушунчаларини жипслаштиришга ёрдам беради.

Эпик майдоннинг тасаввурий тезкорлиги ва онгдаги турланиши асар услубий манерасини белгилайди. Зеро, халқ эътиқоди, инсон иродаси ва шахс маънавияти давр умумруҳиятининг мағзини ташкил этади.

Одил Ёкубов услуби руҳий таҳлилга мойилликнинг устуворлиги, қаҳрамон ўй-фикрларидаги аналитик характер, фалсафий мушоҳада кенглиги билан поэтик ўзига хослик касб этади. Адиб одатда характернинг шаклланиш босқичларини инсон маънавий дунёсидан ахтаради. Бадиий тил табиатини

¹ Жўраев Т. Онг оқими модерн. – Фарғона: Фарғона, 2009. – Б. 45.

хам ижод қонуниятларига сингдиришга интилади. Муаллиф нутқидаги монотонизм (муаллиф овози ва қаҳрамон баёни максимал даражада бири-бирига яқинлашиб кетади) адиб романлари услубий манерасини белгилаб беради. Янада аниқроғи, ёзувчи аксар ҳолатларда хос нуқтаи назарини қаҳрамон интеллекти табиатига сингдириб юборади.

«Диёнат», «Оқушлар оппоқ кушлар», «Адолат манзили», «Осий банда» романида ижтимоий-сиёсий эврилишларнинг инсон турмуш тарзига, шу жумладан, миллат психологиясига таъсирини акс эттиради. Янгича аспектда ёритилган асарда катта ахлоқий-фалсафий муаммонинг гуманистик моҳияти кўзга ташланади. Айниқса, характер мантиғи, қаҳрамон руҳиятини ёритиш воситасида адиб теран ижтимоий-бадий умумлашмалар яратади. Мазкур хусусиятлар – ички нутқ, хатти-ҳаракат, ситуациялар, бадий штрихлар, ҳаётӣ тафсилотлар бирлиги тарзида эпик макон категориясидан озикланади.

Адиб услубида намоён ҳиссий товланишлар тизими тасвирда холислик, характераро мантиқий изчилликка йўл очади. Адиб тарих, бугун ва келажак учлигини фалсафада марказлаштиради. Қаҳрамон табдилидаги кескинлик талқин ва таҳлил тезкор ўрин алмашинувларини таъминлайди. Муаллиф ҳаётӣ зиддиятлар фалсафий теранлигини умумлаштиришга интиларкан, ижтимоий-руҳий муносабатлар мутаносиблиги инқирози инсон фаолиятдан ибтидоланишига эътиборни қаратади. Кичик мулоқот қатида асрлар мобайнида инсониятни мудом ташвишга солиб келаятган муаммолар ўз ифодасини топган. Ёзувчининг «Улуғбек хазинаси», «Кўҳна дунё» каби тарихий романлари, «Осий банда»ни кўздан кечирар эканмиз, бу асарда ҳам образлар портретини, ташқи қиёфасини чизишда холислик тамойили етакчилик қилганлиги асосланди.

Бобнинг учинчи фасли **«Адиб романларининг бадий тил хусусияти»** деб номланган. Ёзувчи романларида қаҳрамонлар портретини холис, реалистик тасвирлаш услубига содиқ қолди. Адибнинг илк романи «Эр бошига иш тушса»даги Эртөөв, «Диёнат» романидаги Жамол Бўрибөөв каби образларнинг портретлари фикримизнинг далили бўла олади. «Диёнат» романи автор нутқидаги «Отақўзи миллионер раисларга хос виқор ва дабдаба билан кўкқисдан бостириб келди»¹, деган тезкор тасвир билан бошланади. Бунда Отақўзи характерига хос кескинлик сезилиб туради. Юқоридаги парчада келтирилган «виқор», «дабдаба», «кўкқисдан» сўзлари бутун асар давомида Отақўзининг характерини белгилашда асосий восита бўлиб хизмат қилади. Унинг ўша вақтдаги портрети ҳам бу образ хатти-ҳаракатига ўта мос келади: «Отақўзи пешонасига дўндириб қўндирилган янги чўст дўпписини тўғрилаб, новча, келишган сахт-сумбатини сал тебратиб бориб, домла Шомуродов билан кўришди».² Келтирилган парчадан шу нарса англашиладики, донгдор раис Отақўзи *янги чўст дўпписини пешонасига (бошига эмас) дўндириб қўндирган (кийган эмас)* киши бўлиб, ўзига ниҳоятда бино қўйган, ҳаракатчан, кескин, ишда ҳам, муомалада ҳам, юришида ҳам

¹ Ёқубов О. Диёнат. – Тошкент: 1998. – Б. 5.

² Ёқубов О. Диёнат. – Тошкент: 1998. – Б. 5.

Ўзининг кимлиги ва қандайлигини кўрсатиб қўйишга тиришадиган шахс. Шунинг учун асар давомида Отақўзи характеридаги одамийлик, бағрикенглик, уддабуронлик, меҳнатсеварлик, ишбилармонлик сингари фазилатларни маъқуллайди, сўзларига ишонади. Зотан, адиб ўз қаҳрамонини ниҳоятда севиб, улкан муҳаббат билан тасвирлаган.

Ёзувчи бу асар иккинчи нашригача бўлган вақт оралиғида асар устидаги ишини изчил давом эттиради. Романнинг иккинчи нашри (1978)да ва ундан кейинги нашрлар (1979, 1998)да унинг композицион тузилишига жиддий ўзгаришлар киритади. Адиб Отақўзининг руҳий ҳолатларини асарда ўша даврнинг шароити ва муҳитидан келиб чиқиб тасвирлашга муваффақ бўлган. Отақўзи нутқи таркибида қўлланган «*танаси бошқа дард билмас*», «*қадр билмас қариндошдан қадр билган ёт яхши*», «*бургут қариса қарчигай бўлар*» сингари мақоллар, «*йўлдан урмоқ*», «*жувонмарг бўлиб кетмоқ*» каби иборалар уни китобхон кўз ўнгида ақлли, ўз мақсадини амалга оширишга интилувчи, инсон қадр-қиммати учун қайғурадиган киши сифатида намоён бўлади. Бундай бадий тил воситалари ёзувчи Одил Ёқубовнинг асар баёнида, персонажлар хатти-ҳаракатини, уларнинг ўзига хос нутқини ёритишда холислик тамойилига содиқ қолганидан дарак беради. Кузатишларимиз шундан дарак берадики, Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», «Диёнат», «Оққушлар, оппоқ қушлар», «Кўҳна дунё», «Осий банда» каби романларида ички монологнинг турли шакллари кенг қўлланилган. Бу бежиз бўлмай, ёзувчи характерларни кўпроқ драматик вазият-ҳолатларда тасвирлашга интилган. Кескин драматик тўқнашувли вазиятларнинг ботинда кечиши персонаж ташқи нутқига эҳтиёж қолдирмайди. Ёзувчи «Улуғбек хазинаси» ва «Диёнат» романларида тарихан қисқа вақт оралиғида кечган воқеаларни қаламга олиб, ички монолог усули ёрдамида катта давр картинасини тасвирлашга муваффақ бўлган. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, Одил Ёқубовнинг романларида ички монологларнинг хилма-хил кўринишлари қўлланган. Айниқса, «Диёнат» романида инсон «онг оқими»нинг тартибга келтирилган узундан-узоқ йирик, бир неча абзацдан иборат матн кўринишидаги вариантдан тортиб, бир сўздан иборат ички монолог-репликагача учратамиз.

Дарҳақиқат, бадий асар баёни структурасига олиб кириладиган ички монологлар фақат шу персонаж, қаҳрамонга тегишли бўлиб, бошқа шахслар эътиборига қаратилмайди. Инсоннинг ички нутқида эса ўз-ўзидан англашиладиган фикрлар, мулоҳазалар тушириб қолдирилади. Оқибатда ички нутқ шаклидаги монологларда сўзлар алоҳида индивидуал мазмун касб этади. Ички монолог таркибидаги биргина сўз ёки ибора катта маъно-мазмунга ишора, восита ролини бажаради. Роман қаҳрамонларининг нутқидаги халқ мақоллари ва афоризмлари уларнинг ўзига хос нутқини шакллантиришга, руҳий-маънавий оламини ва характерини индивидуаллаштиришга хизмат қилганлиги кўрсатиб берилди. Бадий асар тилининг жонли, табиий, бетакрор тасвир хусусиятини ҳам юзага чиқаришга хизмат қилганлиги асосланди.

ХУЛОСА

Тадқиқотда амалга оширилган илмий-назарий таҳлиллар натижасида куйидаги умумий хулосаларга келинди:

1. Чинакам истеъдод ҳаётнинг ҳар бир қиррасидан нафосат топади, фалсафа кашф этади ва ҳикмат яратади. У олам ва одам муносабатларини мутлақо бетакрор йўсинда идрок қилади. Характер туйғулари теранлигига эришиш ҳар бир ижодкорнинг эзгу аъмоли. Шунинг учун ҳам Одил Ёқубов романларида характерларни бадиий далиллашга асосланади. Бу эса ҳамиша санъаткорни гўзалликка айланаётган ҳиссиётга етаклайди. Демак, ҳақиқий ижод сезги ва фикр фалсафасини поэтик ифодага кўчиришдир. XX аср ўзбек миллий адабиётида ўчмас из қолдирган Одил Ёқубов романлари поэтикасини ижодий услуби, бадиий яхлитликка эришиш йўсинлари ва қаҳрамон яратиш маҳорати асосида тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

2. Шакл-мазмун вобасталиги, бирлик-тизим бўлиб, унинг марказида муаллиф шахсияти туради. Бадиий ижод қайта идрок этиш поэтик маҳорат сирларини инкишоф этишга йўл очади. Одил Ёқубов мураккаб ижтимоий-сиёсий эврилишларга бой даврда ижодий фаолият юритган адибдир. Ёзувчи турли жанр ҳамда услубий йўсинларда ўз бадиий маҳоратини синаб кўрди. Аммо қайси ижодий аспектда қалам тебратмасин, миллат маънавияти, юксак ахлоқий-эстетик қадриятлар моҳиятини теран илғай олиш ҳисси ҳамиша санъаткор бадиий изланишларининг таянч маркази бўлиб қолаверди.

3. Одил Ёқубов асарлари поэтикасини тадқиқ этиш шундай хулосага олиб келдики, муайян ижодкорнинг фақат ўзигагина хос бадиий услуби, энг аввало, шу ёзувчи қалбини мавжлантирган муаммо ва ғояларда, унинг мавзу танлаш ва шунга мос сюжет танлашида, шу ҳаётини мавзунини юксак адабий маҳорат билан талқин эта билишида, йирик ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳаёт ҳақиқатига содиқ қолиб тасвирлашида намоён бўлади.

4. Адиб романлари эстетик қийматини икки жиҳат бирлаштириб туради. Улардан бири поэтик тадрижга йўналтирилган кенг эпик тафаккур таҳлилининг бадиий тадқиқи бўлса, иккинчи хусусият, миллий ментал ва умуминсоний қадриятлар, характерлар моҳиятида уйғунлаштира олиш маҳорати билан изоҳланади. Бу икки хусусият бадиий талқинда синкретик характер касб этадики, шу боис уларни бир-биридан ажратиш маълум маънода мураккаб жараёндир. Ана шу факторни назарда тутиб, ишда матн поэтикаси ва ижод концепцияси, эстетик танлов ва тарихий ҳақиқат, бадиий макон ва замон, характер эволюцияси ва типик шароит, ижодий услуб ва адабий компонентлараро изчилликда талқин қилинди. Зотан, бадиий изланишлар миллий мустақиллик мафқурасини мустаҳкамлашда, ёш авлоднинг иймон-этиқод, юксак идеаллар воситасида тарбиялашда, она Ватанга садоқат, инсонийлик руҳини қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

5. «Кўҳна дунё» романи поэтикасида кузатилган муҳим жиҳатлардан бири кўповозилик, услубий ва композицион хусусияти билан алоҳида ажралиб туради. Романда асосан поэтик ифоданинг монологик йўсини етакчилик қилади. Асар ифода йўсинида намоён бўлган бу жиҳат бадиий таҳлил имкониятларини кенгайтирган. Жумладан, адабий мистификация ходисаси, нутқий ранг-барангликни таъминлаган. Миф ва асотирларнинг синтезлашуви эса тарихий воқелик, давр руҳияти ва шахс талқинида стируктур-семантик синтетикликни юзага чиқарган.

6. «Диёнат» ва «Оққушлар, оппоқ қушлар» романлари поэтикасини белгилайдиган хусусиятлардан бири ижтимоий йўналтирилганлик ва ахлоқий қадриятлар негизида поэтик ҳукм чиқаришдир. Муаллиф инсон маънавий борлигини тадқиқ этар экан, ижтимоий воқеликни ҳам бадиий идрок этишга эришади. Ёзувчи одамзод ҳаётининг умуммоҳиятини поэтик талқин саҳнига олиб чиқаради. Унда тарих, давр ва шахс концепциялари уйғунлашиб кетади. Адиб дунёқараши ва жамиятнинг муайян вақт ва замон кесимидаги аҳволи, руҳияти поэтик уйғунлашуви фалсафий муҳокамани-мушоҳадани чуқурлаштиради. Диёнат, оқибат, эътиқод сингари башарий масалалар таҳлилининг теранлиги эса адиб романий тафаккури юксалганини кўрсатади.

7. Одил Ёқубов «катта эпик шакл» (Ю.Н.Тинянов) романий тафаккур ижодий имкониятларини тарихий-психологик полотно «Улуғбек хазинаси» асарида ҳам кенгайтиришга интилган. Шахс ижтимоий-руҳий ҳолатини гармоник уйғунликда талқин этиш асосида муаллиф концептуалликка эришади. Эпик талқин мазмуни ва руҳий кечинма узлуксизлигини муайян нуктага йиққан ёзувчи ижтимоий, маърифий, маиший қадриятларни Мирзо Улуғбек қиёфасида ифодалайди. Бу ўринларда адиб шахс ва жамият муносабатларини бадиий яхлитлаштиради.

8. Моҳиятан «Адолат манзили» ва «Осий банда» романлари бир-бирини тўлдирди. Ўзбек халқи ижтимоий-маънавий ҳаётининг яқин ўтмишидан баҳс юритадиган бу икки асар ҳам турғунлик даври иллатларининг миллат руҳиятида қолдирган асоратларини поэтик тадқиқ этади. «Адолат манзили»даги бадиий воқелик изчил равишда яхлит китобхон тасаввурига ҳам кўчади. «Осий банда» романида эса, давр изтироблари қаҳрамон хотирасида қайта тикланади. Адиб дастлабки асарда ижтимоий талқинга эътибор қаратса, иккинчи романда психологик таҳлил ва тадқиқини биринчи планга чиқаради.

9. Одил Ёқубов романлари бадиияти ифода самимияти ва тасвир руҳияти поэтик мушоҳадани муайян нуктага йиғиш, мантиқан уюштириш ва ҳаётий зиддиятларни фалсафий теран умумлаштириши билан ўзига хослик касб этади.

10. Қаҳрамон нутқи ва воқеалар тизмаси, ҳис-туйғулар силсиласи, портрет ифодаси, характер тавсифи роман поэтик жозибасини белгиловчи

воситаларга айланади. Азалий эстетик қадриятларнинг ўзлаштирилиши характерлар психологиясини теран ифодалаш ва жамият аъмолини тафтиш этишга йўл очади.

11. Адиб поэтик услубида бадиий макон даврлараро руҳий бўшлиқларни бирлаштириб туради. Эпик микёс қамрови қаҳрамон умумий сажиясини таъминласа, вақт оқими образ дунёси ва ҳолат-ҳаракат давомийлигини чуқурлаштиради.

12. Характерлар онгости туйғулари тасвири ва ижтимоий муносабатлар муштараклиги ҳам ёзувчи ижодий концепциясини белгилайдиган, ҳам ифода гўзаллигини юзага чиқарадиган муҳим поэтик хусусиятлардир. Адиб қаҳрамонлари руҳий дунёсининг шаклланиш босқичлари яхлитлиги миллий муҳит – анъана, маънавият ва маърифат уйғунлигидан озиқланади.

13. Одил Ёқубов асарларида характернинг ташқи ҳаракатлари ва руҳият таҳлили бир-бирига ўтиб туради. Мазкур икки жиҳат ҳаётни поэтик тадқиқ этишнинг муҳим икки қирралари сифатида изоҳлаш, далиллаш ва композицион яхлитликни юзага чиқаради. Яъни ҳолатдан ҳаракатга ўтиш воситасида инсоннинг руҳий-психологик фаоллиги ҳам таъминланади. Қаҳрамоннинг хронотопик такомили ва бадиий ифода яхлитлиги шаклланган эътиқод барқарорлиги, маънавий муҳит таъсири ва ахлоқий ақида муштараклигини поэтик тасвир марказига кўтаради.

14. Санъаткор бадиий ғояни шакллантириш жараёнида хусусийликдан умумийликка – мушоҳадакорлик ва синтетик ифодага интилади. Бу ҳолат эса, ўз навбатида, поэтик микёслар кенгайиши (аксиологик, онтологик, ижтимоий, фалсафий, бадиийлик)ни таъминлайди. Адиб услубий изланишлари табиатини, тасвир ва талқиннинг ўзаро ўрин алмашинувлари белгилайди.

15. Нутқий онг ифодаланиш тарзи ва уни юзага чиқарувчи поэтик усуллар ёзувчи услуби ҳамда бадиий маҳоратининг уйғунлигини таъминлайди.

16. Ижодий манера характер такомили муайян эврилишларда намоён бўлишини инкишоф этса, поэтик маҳорат тил сатҳларидан фойдаланиш даражаси кенглиги билан тараққий эта боради.

17. Одил Ёқубов романларида шахс, жамият ҳамда табиат руҳий мувозанати тасвири муаллифнинг яхлит назарий концепциясини юзага чиқаради.

18. Адиб услуби алоҳидалик ҳамда умумлашма, тавсиф ҳамда тасвир, таҳлил ҳамда талқин муштараклиги билан характерланади. Поэтик нутқ муҳим эмоционал-экспрессив бирликни майдонга келтиради. Ижодкор фитрати баъзан қаҳрамон нутқига сингиб, бадиий синтезлашган фалсафий, ахлоқий, руҳий умумлашмани кучайтиради.

19. Нутқий фаолият ранг-баранг миқёслардан ёритиш, эстетик баҳолаш ҳамда фалсафий умумлаштириш воситасидир. Санъаткор руҳий оламида поэтик талқин услубий-грамматик мезон сифатида адабий моҳият бутунлигини акслантиради.

20. Матн поэтикаси тасаввур, сўз, тушунча бадиий залварини яхлитлаштиради. Унда сўзнинг ҳиссий тусланиш жараёни қаҳрамон феъл-атворини эстетик қийматга йўналтириш имконини беради. Поэтологик муносабат миллий колоритни чуқурлаштириш, шахс маънавиятини очиб бериш, типик шароитни белгилашга ёрдамлашади. Ёзувчи романлари ўзбек романчилиги тараққиёти, поэтик жилоланишига сезиларли ҳисса бўлиб қўшилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 27.06.2017. Fil.02.03 ПРИ
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

НАСИРОВ АЗИМИДИН НОРМАМАТОВИЧ

ПОЭТИКА РОМАНОВ АДЫЛА ЯКУБОВА

10.00.02 – Узбекская литература

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc)
ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2018

Тема диссертации доктора наук (DSc) по филологическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2018.1. DSc / Fil105.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трёх (узбекский, русский, английский (резюме)) языках на веб-странице научного совета www.samdu.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» www.ziyo.net.uz.

Научный консультант: **Умуров Хотам Икрамович**
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Тураев Дамин**
доктор филологических наук, профессор

Каримов Наим Фотихович
Академик АН РУз., доктор филологических наук, профессор

Каримов Баходир Нурметович
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация: **Ферганский государственный университет**

Защита диссертации состоится _____ 2018 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Fil.02.03 по присуждению учения степени при Самаркандском государственном университете (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 139-18-92; факс; (8366) 239-11-40; e-mail; rektor@samdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (Зарегистрирован под номером ____). (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 139-18-92; факс; (8366) 239-11-40; e-mail; rektor@samdu.uz).

Автореферат диссертации разослан «____» _____ 2018 года.
(Протокол рассылки от _____ 2018 года за номером ____).

Мухиддинов М.К.

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филол.наук., профессор

Пардаев А.Б.

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филол.наук

Салохий Д.И.

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор филол.наук., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора филологии (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой литературоведении XX-XXI века, всегда актуальной являлось изучение понятия поэтики, в частности, поэтики романа на основе новых подходов, исследование поэтического мастерства каждого романа отдельного писателя и внутреннюю эволюцию его художественного творчества с точки зрения трансформации его жизненной истины в художественную композицию в контексте целостного литературного процесса по направлениям индивидуальной и исторической поэтики. В этом смысле, системное исследование индивидуальности Адыла Якубова – писателя, привнесшего весомый вклад в развитие узбекского романа и пополнение поэтического арсенала, в преобразовании поэтической структуры и семантики жанра на основе проблем поэтики романа и формирование определенных теоретических обобщений определяют актуальность выбранной темы.

На основе историко-культурных, историко-сравнительных, сравнительно-типологических и аналитических методов, широко применяемых в мировом литературоведении совершенствуется узбекская романистика, сформированная и достигшая совершенства в XX веке, в определенной степени творчески усвоившая самые передовые традиции романистики мировой литературы. В романистике мира усиливается трансформация реальной действительности в поэтическую композицию, комплексное исследование проблем целостности сюжета и композиции, романического мышления и стилистическое своеобразие, образ повествователя «Я», вступление писателя в диалогическое отношение с человеком, обществом и бытием, усиливаются стремления к формированию теоретических обобщений по художественному толкованию общечеловеческих идей, что определяет актуальность выбранной темы.

В узбекском литературоведении периода независимости усиливается внимание к определению стиля эпохи и писателя, совершенствования жанра с помощью применения передовых методов литературно-теоретических анализов при правильном определении научно-практических аспектов проблемы поэтики романа, аспектов изменений в природе поэтических изысканий романистики XX века, связанных с литературной поэтикой той эпохи и характером творческого лица. В духовно-просветительской жизни нашего народа повышается роль художественной литературы, вопросы литературы и духовности поднялись до уровня государственной политики. Несомненно, «...внимание литературе и искусству – это, прежде всего, внимание народу, будущему, мы не вправе забывать, что народ жив, если жива литература, искусство, как сказал наш великий поэт Чулпан»¹, что ставит перед литературоведением задачи всестороннего изучения литературного наследия таких писателей, как Адыла Якубова, формированию важнейших заключений по поэтическим толкованиям

¹Президент Шавкат Мирзиёвнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустахкам пойдеворидир” / Халқ сўзи, 2017. 4 август.

извечных ценностей культуры народа. Ибо, «произведения писателя, прежде всего, выделяются жизненностью, объективностью, освещением острых-социальных, нравственно-духовных проблем эпохи, раскрытием новых аспектов истины о человеке и его души, острым драматизмом, глубоким гуманизмом, горячим обсуждением человеческой жизни. Писатель привнес множество новшеств в поэтику узбекского романа, создал образцы полифонического романа»¹.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, обозначенных в указах Президента Республики Узбекистан № 4794-УП «Об организации Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои» от 13 мая 2016 года, № 4947-УП «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, постановлениях № 2909-ПП «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, «О реализации мер по совершенствованию организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, №3271-ПП «О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения» от 13 сентября 2017 года и других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан I «Социальное, правовое, экономическое, культурное, духовно-просветительское развитие информатизированного общества и демократического государства, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². Проблемы узбекской романистики XX века и поэтики узбекских романов изучаются в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в частности, Колумбийском университете (Columbia University, США). Проф. Эдвард Олворт изменения в узбекской литературе 20-ого века оценивает как продолжение романов А.Фитрата, А.Кадыри, С.Айни, А.Чулпана, Х.Х.Ниязи, А.Якубова, П.Кадырова, провел научные исследования о том, что следы их художественности и поэтики восходят к классической литературе. В докторской диссертации Темура Коджа оглы, защищенной в 1982 году в университете Колумбии на тему «Отражение процесса национального самосознания в прозе Центральной Азии в послесталинской эпохи» изучены мотивы национального возрождения в исторических романах казахской, киргизской и узбекских литератур, в частности романа Адыла Якубова

¹Норматов У. Ижод сеҳри. - Тошкент: Шарқ, 2006. – Б. 20.

²www.tdk.gov; www.shosh.uz; www.orient.spbu.ru; www.ceu.edu; www.u-szeged.hu; www.utexas.edu, www.berkeley.edu, www.northwestern.edu, www.bu.edu, www.ecu.edu.au, unice.fr/en, www.u-bordeaux.com, www.lang.ox.ac.uk, english.pku.edu.cn, www.sophia.ac.jp/eng, www.u-tokyo.ac.jp, bsu.edu.az, www.msu.ru, www.bashedu.ru, www.kaznu.kz, www.navoiy-uni.uz.

«Сокровище Улугбека». Автор диссертации исследуя данный процесс, обращает внимание вопросам художественности и поэтики романов. В Берлинском университете имени братьев Гумбольдт (Berlin Humboldt Universität, Германия) проф. Ингеборг Балдауф в статье под названием «Традиция, революция, адаптация. Советизация культуры Центральной Азии» исследуя изменения в узбекской литературе 20-го века, рассуждает о возникновении узбекской романистики и трагической судьбе писателей, не подчинившихся советскому режиму, раскрывает художественное мастерство романистов А.Кадыри, Чулпан, С.Айни, Айбек, П.Кадыров, А. Якубов и выражает собственное отношение к художественному толкованию жизненной действительности в их произведениях.

В университетах и научных центрах Турецкой Республики с 1930-х годов проводятся широкомасштабные изыскания по исследованию узбекской литературы, в частности узбекской исторической романистики. Первые из этих исследований написаны нашими соотечественниками, которые были вынуждены эмигрировать чтобы спастись от репрессии советского режима. Позже и турецкие исследователи с большим интересом изучают узбекские исторические романы, в частности наряду с произведениями А.Кадыри и Чулпан большой интерес вызывают и книги А.Якубова. В частности, профессор университета Ататюрк (Atatürk Üniversitesi) Орхан Сойлемез в статье «Узбекские исторические романы, переведенные на турецкий язык» выражает свое отношение к творчеству романистов от Садриддина Айни до Пиримкула Кадырова. Критик, особо обративший внимание на произведения Адыла Якубова «Сокровище Улугбека», «Старый свет», «Адрес справедливости», особо подчеркивает роль этих романов в развитии узбекской романистики. Исследователь Селджукского университета (Selçuk Üniversitesi) Азиз Мерхан в статье «Абдулла Кадыри и рождение узбекского романа» определяет возникновение узбекской романистики и основные этапы его развития.

На кафедре тюркологии Санкт-Петербургского и Московских университетов (Российская Федерация) традиционно изучается и исследуется узбекская литература. В частности, в исследованиях по истории узбекской литературы и современному литературному процессу, выполненных на кафедрах «Тюркская филология» и «Исследования по Центральной Азии и Кавказу» Санкт-Петербургского университета изучаются и узбекские исторические романы. Кроме того вопросы узбекской романистики в Центральноевропейском университете Республики Венгрии (Central European University) изучаются Георгом Хазаи, Сегедском университете (University of Szeged) – Андрашом Рона. Следовательно, проведенные исследования являются определенной теоретической основой комплексного изучения узбекской романистики, в частности поэтики романов Адыла Якубова.

Степень изученности проблемы. В мировом и узбекском литературоведении в определенной степени изучены такие теоретические понятия, как форма и содержание художественного образа, стиль, жанр,

